


# Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

**2020 ЙИЛ – ИЛМ, МАЪРИФАТ ВА РАҚАМЛИ ИҚТИСОДИЁТНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ЙИЛИ**

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: info@xs.uz • 2020 йил 4 апрель, № 70 (7572) Шанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.


# ПРЕЗИДЕНТ КОРОНАВИРУС БИЛАН БОҒЛИҚ ВАЗИЯТ БЎЙИЧА ХАЛҚҚА МУРОЖААТ ҚИЛДИ

*Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 3 апрель куни коронавирус пандемияси келтириб чиқарган инқирозга қарши курашиш шароитида тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш масалалари бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказилди.*

*Муҳокамаларга ўтишдан олдин давлатимиз раҳбари яна бир бор халқимизга мурожаат қилди:*

— Бугунги кунда бутун дунё, инсоният мураккаб даврни бошидан кечирмоқда. Мамлакатимизда эпидемиологик вазиятни жиловлаш, аҳоли саломатлигини ҳар томонлама ҳимоя қилиш учун барча чоралар кўрилмоқда.

Минг афсуски, кўрсатилган тиббий ёрдамга қарамасдан, юртимизда коронавирусга чалинган беморлардан 2 нафари вафот этди. Уларнинг оила аъзолари ва яқинларига ўз номимдан, бутун халқимиз номидан чуқур таъзия билдириб, сабр-тоқат ва бардамлик тилайман.

Азиз юртдошлар!

Бугунги кунда мамлакатимизда 100 минг киши карантинга олинган. Шунингдек, чет элдан салкам 13 минг фуқаро олиб келиниб, улар ҳам тўла карантинга олинди. Тошкент вилоятида 10 минг кишини қабул қилишга мўлжалланган карантин зонаси барпо этилмоқда. Унинг дастлабки бир қисмига хориждан келган 2 минг 200 дан ортиқ фуқароларимиз жойлаштирилди.

Зангиота туманида 10 минг ўринли 2 та вирусология шифохонаси қурилмоқда. Яқин кунларда ушбу шифо масканларидаги 2 мингта ўрин ишга туширилади. Ҳозирги кунгача 245 мингта тест, 700 мингга яқин ҳимоя воситалари олиб келиниб, даволаш муассасаларига етказилди. Бу ишлар яна давом эттирилмоқда.

Диагностика, даволаш, карантин ишларини Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти тавсиялари ҳамда илғор хорижий тажрибаларга таяниб амалга оширмоқдамиз. Шунингдек, Жанубий Кореядан малакали шифокорлар келиб, беморларни даволашда қатнашмоқда. Яқин кунларда бир гуруҳ хитойлик мутахассислар ҳам етиб келиши кутилмоқда. Бундан ташқари, врачларимиз хорижий ҳамкасблари билан мунтазам видеомулоқотда бўлиб, кундалик тажриба алмашмоқда.

Таъкидлаш керакки, амалга оширилаётган тизимли чора-тадбирларимиз, албатта, ўз натижасини бермоқда. Касалликка чалинганларнинг 25 нафари тўлиқ соғайиб, реабилитацияга ўтказилди.

Фурсатдан фойдаланиб, бу курашнинг олдинги сафларида чинакам жасорат ва матонат кўрсатаётган жонкуяр ва олижаноб шифокорларимизга чуқур миннатдорлик билдираман.

Юзага келган вазиятни тўғри тушуниб, бизни фаол қўллаб-қувватлаётган халқимизга, азиз юртдошларимга раҳмат айтаман.

Шу билан бирга, қанча огоҳлантириш ва тушунтириш ишларига қарамай, жойларда карантин қоидалари бузилаётганини афсус билан айтиш керак.

Ҳозиргача 22 мингдан зиёд ана шундай ҳолат аниқланди, 330 киши карантин ҳудудини ташлаб кетган. Карантин вақтида айрим масъулиятсиз шахслар 24 та турли оммавий маросимлар ўтказганини сира оқлаб бўлмайди. Бутун халқимиз ҳаётига хавф солаётган бундай номаъқул ишларга нисбатан кескин чоралар кўрилади.

Муҳтарам ватандошлар!

Ишонтириб айтаманки, коронавирус тарқаб кетмаслиги учун давлат барча чораларни кўради. Аммо шу синовли дамларда ҳар бир ўзбекистонлик, ҳар бир идора, жамоатчилик вакиллари бир мушт бўлиб ҳаракат қилишимиз керак. Касалликни маҳалламизга, уйимизга, оиламизга олиб кирмаслик учун энг аввало ўзимиз масъулмиз.

Айрим давлатларда юқори гигиенага асосланган кундалик турмуш тарзи, миллий урф-одатлар бу касалликни енгишда жуда муҳим омил бўлмоқда.

Жумладан, аҳолиси зич, қўшнилари билан савдо алоқалари ўта ривожланган бўлишига қарамасдан, Япония вируснинг кенг тарқалашига йўл қўймади.

Мутахассислар “япон феномени”ни улардаги ўзига хос саломлашиш, шахсий масофани сақлаш, тез-тез кийим алмаштириш, юз-қўлни ювиш, тўла ювиниш, тўғри овқатланиш, фаол турмуш тарзи ва спорт каби 13 та қоида ва урф-одатлар сақланиб қолгани билан асосламоқдалар.

Бу эса бизда ҳам азал-азалдан мавжуд — қўлини кўксига қўйиб саломлашиш, уйга меҳмон келганда қўлга сув қуйиш, жамоат жойларида масофани ушлаш, мева-сабзавотларни кўп истеъмол қилиш каби урфларимизни янада мустаҳкамлашни тақозо этади.

Шунингдек, жамоат жойларида, маҳалла ва хонадонларда дезинфекция ишларини мунтазам давом эттириш лозим. Барча корхона ва ташкилотлар ҳар ҳафтада ўз ходимларини тизимли равишда тиббий кўрикдан ўтказиб туриши зарур.

Ҳурматли дўстлар!

Ҳар қандай қийинчиликка қарамасдан, ўз хизмат бурчини виждонан бажараётган ака-укаларимиз, опа-сингилларимиз, ўғил-қизларимиз фидойилигини юксак қадрлаймиз.

Аҳоли ўртасида ваҳима ва саросима гаплар тарқалишига асло йўл қўймаслик лозим.

Нуроний оталаримиз, мунис оналаримиз ўз жонкуярлиги, сабр-бардоши, эзгу дуолари билан барчага ибрат бўладилар, деб ишонаман.

Мен бугунги кунда уй шароитида таҳсил олаётган талаба ва ўқувчи ёшларимизга мурожаат қилмоқчиман:

Азиз фарзандларим, уйда вақтингизни бекор ўтказманг! Онлайн дарсларни қунт билан ўзлаштиринг. Китоб ўқинг, билимингизни оширинг, бадантарбия ва жисмоний машқларни бир кун ҳам қолдирманг.

Қадрли юртдошлар!

Мана, баҳорнинг иссиқ кунлари ҳам бошланди. Мавжуд қийинчиликка қарамасдан, ҳаёт давом этмоқда.

Фермер ва деҳқонларимиз, тадбиркорларимиз олдида ўта муҳим вазифалар турибди.

Албатта, ҳар биримиз кундалик юмушларимизни хавфсизлик ва санитария қоидаларига тўла амал қилган ҳолда давом эттиришимиз зарур. Чунки бугун йўқотган имкониятларимизни эртага тиклаш қийин бўлади, вақтни эса орқага қайтариб бўлмайди.

Пандемияни тўхтатиш учун бутун дунё халқлари қатори биз ҳам жиддий изланишдамиз. Одамларимиз даромадлари камайиб кетмаслиги учун, корхоналаримиз барқарор ишлаши учун барча режаларни кўряпмиз.

19 март куни пандемиянинг иқтисодиётимизга салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида Фармон қабул қилган эдим. Ҳукумат ва маҳаллий ҳокимликлар жойларда бу чора-тадбирларнинг ижросини таъминламоқда.

Мен бугун мана шундай қийин вазиятда иқтисодиётимизни, тадбиркорларни фаол қўллаб-қувватлаш учун яна бир муҳим Фармонга имзо чекдим. Қанчалик мураккаб бўлмасин, бюджетдан катта харажатларни талаб этмасин, қўшимча чораларни кўришга қарор қилдим.

Ушбу Фармонга кўра:

биринчидан, туристик ва меҳмонхона фаолияти билан шуғулланувчи тадбиркорлар шу йил якунига қадар ер ва мол-мулк солиқларини тўлашдан озод этилади. Уларга ижтимоий солиқ ставкаси ҳозирги 12 фоиздан 1 фоизга туширилади. Ушбу имтиёздан соҳада хизмат кўрсатаётган мингдан ортиқ субъектлар фойдаланиш имкониятига эга бўлади.

Иккинчидан, карантин даврида ўз фаолиятини тўхтатишга мажбур бўлган якка тартибдаги тадбиркорларга даромад солиғи ва ижтимоий солиқни ҳисоблаш тўхтатилади. Ушбу имтиёз қарийб 150 минг якка тартибдаги тадбиркорга катта кўмак бўлади.

Учинчидан, тушуми ўтган ойдагига нисбатан 50 фоизга камайган кичик бизнес субъектларига айланмадан олинадиган солиқ, ер солиғи, мулк солиғи, ижтимоий солиқ ва сув солиғини тўлаш муддати шу йил 1 октябрга қадар кечиктирилади. Тадбиркорлар бу имтиёзлардан солиқ идорасини уйдан туриб хабардор қилиши мумкин.

Тўртинчидан, жорий йил 1 апрелдан бошлаб юридик шахсларнинг табиий газ ва электр энергияси учун олдиндан тўлов мажбурияти амалдаги 100 фоиздан 30 фоизга туширилади.

Бешинчидан, Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси томонидан ёрдам бериш кўлами янада кенгайтирилади.

Ҳозирги кунда тадбиркор олган кредит ставкаси 24 фоизгача бўлганда унинг 8 фоизини жамғарма қоплаб берар эди. Энди кредит ставкаси 28 фоизгача бўлганда ҳам унинг 12 фоизини давлат қоплайди.

Бунинг учун тадбиркорларнинг 3 триллион сўмлик кредитлари фоизини қоплашга жамғармадан қўшимча 400 миллиард сўм йўналтирилади. Жамғарма бир тадбиркорнинг фақатгина битта лойиҳасига кафиллик бериши бўйича чеклов ҳам энди бекор қилинади.

Интизомли ва ишончли тадбиркорларга кредитнинг 75 фоизига жамғарма кафиллик беради (бугунги кунда 50 фоиз). Кафиллик суммасининг юқори чегараси ҳам 8 миллиард сўмдан 10 миллиард сўмга оширилади.

Олтинчидан, қийин аҳволдаги корхоналар, якка тартибдаги тадбиркорлар ва аҳолининг 12 триллион сўмлик кредит мажбурияти муддати узайтирилади.

Шунингдек, бугун қишлоқларда кўп иш жойларини ташкил этиб, энди оёққа тураётган пахта-тўқимачилик кластерларини молиявий қўллаб-қувватлаш бўйича ҳам алоҳида қарорга имзо чекдим. Уларнинг 2019 йилда пахта етиштириш учун олган кредитларини қайтариш муддати 1 октябргача узайтирилади.

Еттинчидан, аҳолини, айниқса, унинг ижтимоий ҳимояга муҳтож қатламини қўллаб-қувватлаш бўйича қатор чоралар белгиланмоқда.

Жумладан, шу йил якунига қадар ун, ўсимлик ёғи, гўшт ва сут маҳсулотлари, шакар, гигиена воситалари каби асосий истеъмол товарларини импорт қилишда божхона божи ва акциз солиғи ундирилмайди.

Шунингдек, жорий йил март — июнь ойларида муддати тугайдиган болали оилаларга нафақа, бола парваришлаш нафақаси ва моддий ёрдамларни тўлаш учун қўшимча мурожаат ва ҳужжатлар талаб этилмайди. Улар автоматик тарзда 6 ойдан 1 йилгача узайтирилади. Ушбу даврда бошқа муҳтож оилаларга ҳам шундай нафақалар тайинлаш давом эттирилади.

Бу чоралар орқали яна 120 мингдан зиёд кам таъминланган оилаларни қамраб оламиз (ҳозирда 600 мингта).

Карантин даврида ёлғиз кексалар ва ногиронлиги бўлган шахсларга 18 турдаги асосий озиқ-овқат ва гигиена товарлари бепул етказиб берилади.

Саккизинчидан, карантин даврида уй шароитида ривожлантириш мумкин бўлган фаолият турларини янада қўллаб-қувватлаймиз.

Мисол учун, мамлакатимизда 28 мингдан зиёд ҳунарманд фаолият кўрсатмоқда. Уларга ўтган йили 50 миллион доллар маблағ ажратилди, 12,5 мингта лойиҳа доирасида ҳунармандлар 75 мингдан ортиқ янги шогирдларни тайёрлади.

Ушбу соҳа учун бу йил яна 50 миллион доллар маблағ йўналтирилмоқда. Яратилаётган бундай шарт-шароитлар ҳунармандлар учун катта имкониятдир.

Ҳурматли ҳунармандлар! Сизларнинг меҳнатингиз, янги-янги ташаббусларингиз ҳозирги вақтда аҳоли бандлигини таъминлашга, албатта, муносиб ҳисса қўшади.

Тадбиркорлар, ҳунарманд ва фермерларимиз, корхоналар раҳбарлари берилган бу имтиёзлардан самарали фойдаланишлари керак.

Энг асосийси, жойларда ностандарт ечимларни излаб, ишлаб чиқариш ҳажмлари ва иш жойларини сақлаб қолиш, корхоналар фаолиятини давом эттириш зарур.

Ушбу мезон асосида вилоят, туман (шаҳар) сектор раҳбарлари, иқтисодий комплекс идоралари ўз иш режалари ва ишлаш услубларини қайта тузиб олишлари даркор.

Яъни, ҳар бир раҳбар корхоналар, тадбиркорларнинг муаммосига алоҳида ёндашиб, уларни ҳал қилишда “бевосита бошқарув” режимига ўтиши керак.

Азиз ватандошлар, нуроний отахон ва мунис онахонлар, қадрли фарзандларим!

Кўпга келган ва жаҳон аҳли азият чекаётган бу қийин кунлар, албатта, ўтади.

Бизнинг буюк ва танти халқимиз кўп асрлик тарихида не-не балоқазоларни, урушлар ва очарчиликларни мардонавор енгиб ўтган. Бу синовдан ҳам муносиб ўтиб олишимизга қатъий ишонаман.

Ҳаммамиз янада жипслашиб, сабр-матонатли бўлсак, шифокорлар тавсияларига тўлиқ амал қилсак, албатта, бу касалликни тезроқ енгиб ўтамиз!

Бу курашда тиббий чоралар билан бирга юксак тафаккур, қатъий интизом, сабр-тоқат ва улкан масъулият кўрсатишимиз лозим. Бу сифатлар бизнинг энг асосий ва энг таъсирчан қуролимизга айланиши шарт.

Халқимиз ўз тарихида қандай оғир табиий офатларни кўрган бўлмасин, Қодир Аллоҳнинг марҳамати билан, ўзининг куч-қудрати, вазминлиги ва донишмандлиги орқали уларнинг барчасини енгиб ўтган.

Мен ана шундай мард ва матонатли, меҳр-оқибатли халқимизнинг ақл-заковатига, унинг метин иродаси ва қатъиятига тўла ишонаман.

Ўзбекистонда ҳеч бир инсон, ҳеч бир оила давлатимиз ва жамиятимиз эътибори ва ғамхўрлигидан четда қолмайди!

Яратганнинг ўзи халқимизни ва бутун инсониятни бу офатдан тезроқ озод қилсин, барчамизни ўз паноҳида асрасин!

# БИРОРТА ҲАМ ТАДБИРКОР ЎЗ ҲОЛИГА ТАШЛАБ ҚЎЙИЛМАЙДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев раислигида 3 апрель куни коронавирус пандемияси келтириб чиқарган инқирозга қарши курашиш шароитида тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш масалалари бўйича видеоселектор йиғилиши ўтказилди.

Халқаро экспертларнинг ҳисоб-китобларига кўра, пандемия дунё иқтисодиётига 2 триллион доллардан зиёд зарар етказиши кутилмоқда. Ҳамма жойда савдо алоқалари, кўплаб хизматлар тўхтаб қолган.

Мамлакатимизда ушбу инқироз иқтисодиётга кескин салбий таъсирининг олдини олиш мақсадида зарур чора-тадбирлар кўрилмоқда. Давлатимиз раҳбарининг Фармон ва қарорлари қабул қилиниб, бизнес тузилмаларга кўплаб имтиёз ва преференциялар берилди.

Йиғилишда Президентимиз корхоналарнинг изчил ишлашига кўмаклашиш, барча имконият ва захираларни тўлиқ сафарбар этиш зарурлигини таъкидлади.

**— Битта корхона фаолиятини тўхтатишига ҳам “фавқулодда ҳолат” деб қаралиши керак. Чунки бу корхоналар қанчадан-қанча иш ўринлари ва оилалар даромадини таъминламоқда. Йил бошида барча ҳокимлар тадбиркорликни ривожлантириши бўйича мурожаат қабул қилиб, катта марраларни белгилаб олган эдик. Ҳозир синов даври. Қайси ҳоким ҳисоб-китобини жой-жойига қўйиб, ички резерв, яратилаётган имкониятлардан тўғри фойдаланса, бу марраларга, албатта, эришади. Тадбиркорларни ҳар тарафлама қўллаб-қувватлаш, мушкулини осон қилиш ва барча зарур шароитларни яратиб бериш ҳозирги пайтда ҳар доимгидан ҳам муҳим, — деди Шавкат Мирзиёев.**

Ялпи ички маҳсулотнинг асосий қисми ва аҳоли бандлигини таъминлайдиган 2 мингдан ортиқ йирик корхоналар фаолияти умуман тўхтамаслиги кераклиги таъкидланди. Бунинг учун уларнинг ҳар бирига Президент маслаҳатчилари, Бош вазир ўринбосарлари, вазирлик, идора ва банклар раҳбарлари масъул этиб бириктирилди. Ушбу корхоналарда карантин тартиб-қоидаларига қатъиян амал қилган ҳолда, Республика махсус комиссиясининг қарорларига риоя этган ҳолда иш ташкил этилади. Бириктирилган раҳбарлар корхоналарга инфратузилма ва хом ашё таъминоти, маҳсулот ва ишчиларни ташиш, солиқ, кредит, божхона масалаларида амалий ёрдам бериб боради.

Туман ва шаҳар сектор раҳбарлари ўз ҳудудидаги корхоналарни оталиққа олиб, улар билан мунтазам равишда бирма-бир ишлайди. Туман Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш бўлимида штаб ташкил этилиб, ҳар бир тадбиркорнинг муаммоси ҳал этиб борилади.

**— Ҳамма шуни яхши билиши керак: биророта ҳам тадбиркорни ўз ҳолига ташлаб қўймаймиз, — деди давлатимиз раҳбари.**

Айтиб ўтилганидек, пандемия оқибатлари оғир таъсир қиладиган ушбу корхоналар билан алоҳида ишлаш зарур. Молиявий қийинчиликка дуч келган корхоналар раҳбарлари имтиёз олиш учун банк ва солиқ идораларида сарсон бўлиб юрмаслиги керак.

Инқирозга қарши курашиш жамғармасидан ижтимоий соҳа ва бошқа инфратузилма объектлари қурилишига қўшимча 3,6 триллион сўм ажратилди. Бу маблағлар, энг аввало, ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантиришга йўналтирилади. Хусусан, 152 та лойиҳанинг муаммолари ҳал қилинса, 10 мингдан зиёд янги иш ўринлари яратилади.

Видеоселектор йиғилишида экспорт масаласига ҳам тўхталиб ўтилди. Юкларни темир йўл орқали контейнерда ташиш, станцияларда рефрижератор секцияларини кўпайтириш зарурлиги қайд этилди. Мутасаддиларга мева-сабзавотлар, тўқимачилик ва электротехника маҳсулотлари, қурилиш материаллари экспорти бўйича ҳар бир корхона муаммосини тезкор ҳал қилиб бориш юзасидан топшириқлар берилди.

Аҳолини зарур истеъмол товарлари, озиқ-овқат, дори ва гигиена маҳсулотлари билан таъминлаш масаласига алоҳида эътибор қаратилди. Юртимиздаги 358 та деҳқон бозори ва улардаги “Элга хизмат” корхонасини жалб этиб, маҳаллаларда соддалаштирилган кўчма савдони йўлга қўйиш чоралари белгиланди.

Қолаверса, аҳоли ихтиёрида 4,5 миллионта томорқа хўжалиги бор. Шу кунларда улардан ҳам маҳсулот олина бошлайди. Бу одамларга қўшимча даромад, халқимизга ризқ-рўз манбаи. Шу боис томорқадан маҳсулотларни сотиб олувчиларга карантинга амал қилган ҳолда эркин ҳаракатланиши учун шароит яратиш бўйича кўрсатма берилди.

Маълумки, карантиннинг илк кунлариданоқ халқимиз жипслашиб, саховатпеша инсонлар ёлғиз кексалар, эҳтиёжманд оилаларга ёрдам қўлини чўзиб келмоқда. Ушбу саъй-ҳаракатларни мувофиқлаштириш ва хавфсизлик қоидаларини таъминлаган ҳолда амалга ошириш мақсадида хайр-эҳсонлар Тошкент шаҳридаги “Ўзэкспомарказ”да жамланмоқда ҳамда колл-центрга келиб тушган мурожаатлар асосида маҳалла вакиллари ва кўнгиллилар гуруҳлари томонидан эҳтиёжманд оилаларга тарқатилмоқда. Бунинг учун 20 та “Дамас” автомашинаси ажратилиб, барча ҳимоя воситалари билан таъминланган.

Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлигига шундай тартибни вилоят марказларида ҳам ташкил этиш бўйича кўрсатма берилди.

Савдо-саноат палатаси, “Ҳунарманд” уюшмасига тижорат банклари билан биргаликда бу йил ҳунармандчилик лойиҳалари учун ажратилган 50 миллион доллар кредит маблағларининг эгаларига тўлиқ етиб боришини таъминлаш вазифаси қўйилди.

Йиғилишда Давлат бюджети тушумлар прогнозининг бажарилишига оид масалалар ҳам атрофлича муҳокама қилинди.

Жорий йилнинг биринчи чорагида бюджетга 24 триллион сўм солиқ ва 4,8 триллион сўм божхона тушумлари йиғилиб, барча ҳудудларда даромадлар прогнози тўлиқ бажарилган.

Масалан, иккинчи чоракда табиий газ сотиш ҳажми камайиши, миснинг жаҳон бозоридаги нархи пасайиши каби омиллар ҳисобига бюджетга солиқ тушуми биринчи чоракка нисбатан 1,4 триллион сўмга камайиши ҳисоб-китоб қилинмоқда. Бундай ҳолат божхона тушумларида ҳам кузатилади.

Бу вазият молия, солиқ, божхона ва бошқа иқтисодий комплекс идораларидан юқори даражада сафарбарликни талаб этади. Шу боис мутасадди раҳбарлар корхона ва тадбиркорларнинг мунтазам ишлашига кўмаклашиб, тушумларни кўпайтириш чораларини кўриши муҳимлиги таъкидланди.

Видеоселектор орқали ҳар бир мутасадди вазирлик, идора, ташкилот раҳбарлари ва Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Раиси, вилоятлар ҳокимларининг кун тартибида белгиланган масалалар юзасидан ҳисоботлари эшитилди.

**ЎзА.**

# ЎЗБЕКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ ТОЖИКИСТОН ПРЕЗИДЕНТИ БИЛАН ТЕЛЕФОН ОРҚАЛИ МУЛОҚОТ ҚИЛДИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 3 апрель куни Тожикистон Республикаси Президенти Эмомали Раҳмон билан телефон орқали мулоқот қилди.

Суҳбат аввалида биродар давлатлар раҳбарлари минтақамизга кириб келган янгиланиш ва яшариш байрами — Наврўз муносабати билан бир-бирларини самимий қутлаб, эзгу тилаклар билдирди.

Президентлар икки томонлама ҳамкорликнинг долзарб масалаларини муҳокама қилдилар ҳамда шерикликни, биринчи навбатда, савдо-иқтисодий, инвестициявий, банк-молия, маданият ва таълим соҳаларида кенгайтиришнинг истиқболли йўналишларини кўриб чиқдилар.

Эришилган келишувлар, шу жумладан, мамлакатларимиз пойтахтлари ўртасида қабул қилинган “Йўл харитаси”ни амалга ошириш, иқтисодиётнинг турли тармоқларида ўзаро манфаатли кооперация лойиҳаларини илгари суриш бўйича қўшма фонд ташкил этишни жадаллаштириш муҳимлиги қайд этилди.

Коронавирус инфекцияси тарқалишига йўл қўймаслик ва минтақада пандемия оқибатларига қарши самарали курашиш мақсадида ўзаро ҳамкорлик ва яқиндан мувофиқлаштириш масалаларига алоҳида эътибор қаратилди.

Томонлар мамлакатларимизда кўрилаётган биринчи навбатдаги превентив чоралар ва эпидемиологик вазиятни назорат қилиш тадбирларини тўлиқ қўллаб-қувватладилар.

Коронавирусга қарши курашишда фаол ҳамкорликни давом эттириш муҳим экани таъкидланди.

Давлат раҳбарлари, шунингдек, минтақавий ҳамкорликка оид ва халқаро аҳамиятга молик масалалар юзасидан фикр алмашдилар.

**ЎзА.**

## Ўзбекистон Республикаси Президентининг ФАРМОНИ

# КОРОНАВИРУС ПАНДЕМИЯСИ ДАВРИДА АҲОЛИ, ИҚТИСОДИЁТ ТАРМОҚЛАРИ ВА ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

Коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашиш даврида аҳолини ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтириш ва иқтисодиёт тармоқлари фаолият кўрсатишининг барқарорлигини таъминлаш, шунингдек, айрим хўжалик юритувчи субъектларни қўллаб-қувватлаш мақсадида:

1. **2020 йил 31 декабрга қадар** 1-иловага мувофиқ товарларни олиб киришда божхона божи ва акциз солиғининг **ноль ставкалари белгилансин.**

Тариф ва нотариф тартибга солиш кенгаши Инвестициялар ва ташқи савдо вазирлиги, Иқтисодий тараққиёт ва камбағалликни қисқартириш вазирлиги билан биргаликда икки ҳафта муддатда кичик тадбиркорлик субъектлари томонидан маҳсулот ишлаб чиқаришда фойдаланиш учун олиб кириладиган хом ашё, материаллар, аксессуарлар ва бутловчи қисмларнинг нархини пасайтиришга алоҳида эътибор қаратган ҳолда, ташқи иқтисодий фаолиятни янада такомиллаштириш юзасидан таклифлар киритсин.

2. Жорий йилнинг март — июнь ойларида тўлаш муддати тугайдиган болалари бўлган оилаларга нафақа, бола парвариши бўйича нафақа ва моддий ёрдамлар тўлаш **уларни тўлашни янги муддатда давом эттириш тўғрисидаги ариза ҳамда бошқа ҳужжатларни талаб қилмаган ҳолда 6 ой муддатга** (бироқ бола тегишлича 2 ёшга ва 14 ёшга тўлгунидан кўп бўлмаган муддатда) танаффуссиз **давом эттирилсин**.

Белгилансинки, ижтимоий нафақалар ва моддий ёрдам тўлашни узайтириш билан боғлиқ харажатлар Инқирозга қарши курашиш жамғармаси ҳисобидан қопланади.

3. Ўзгалар парваришига муҳтож бўлган ёлғиз кексалар ва ногиронларни бепул таъминлаш учун асосий озиқ-овқат маҳсулотлари ва гигиена товарларининг рўйхати карантин тадбирлари амал қилиши даврида **бир марталик ниқоблар, антисептик воситалар ва бактерияга қарши совунлар жамланмаси** билан тўлдирилсин.

4. Белгилансинки, 2020 йил 1 апрелдан 31 декабрга қадар қуйидагилар:

а) туроператорлар, турагентлар ва туризм соҳасида меҳмонхона хизматлари (жойлаштириш хизматлари) кўрсатувчи субъектлар, “Uzbekistan Airways” АЖ ва унинг таркибий бўлинмалари, “Uzbekistan Airports” АЖ ва “Ўзаэронавигация маркази” ДУК:

**юридик шахслардан олинадиган ер солиғи ва юридик шахсларнинг мол-мулкига солинадиган солиқни** тўлашдан озод қилинади;

**ижтимоий солиқ**ни камайтирилган ставкада **1 фоиз** миқдорида тўлайди;

б) товарларни (хизматларни) реализация қилиш айланмаси ойига **1 миллиард сўмдан ошмайдиган** ва электрон ҳисоб-фактураларни қўллайдиган қўшилган қиймат солиғи тўловчилар ушбу солиқни **ҳар чораклик асосда** ҳисоблаш ва тўлаш ҳуқуқига эга;

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ФАРМОНИ

# КОРОНАВИРУС ПАНДЕМИЯСИ ДАВРИДА АҲОЛИ, ИҚТИСОДИЁТ ТАРМОҚЛАРИ ВА ТАДБИРКОРЛИК СУБЪЕКТЛАРИНИ ҚЎЛЛАБ-ҚУВВАТЛАШГА ДОИР ҚЎШИМЧА ЧОРА-ТАДБИРЛАР ТЎҒРИСИДА

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

в) фойдаланилмаётган ишлаб чиқариш майдонлари, яшаш учун мўлжалланмаган иншоотларга, шу жумладан, 2020 йил 1 апрелга қадар аниқланганларга нисбатан **мол-мулк солиғи ва ер солиғининг оширилган ставкаларини қўллаш**, шунингдек, кўрсатилган солиқлар бўйича оширилган ставкаларни қўллаш натижасида юзага келган қарздорликка нисбатан пеня ҳисоблаш ва мажбурий ундириш чораларини кўриш тартиби **тўхтатилади**.

5. Карантин тадбирлари даврида ўз фаолиятини тўхтатишга мажбур бўлган **якка тартибдаги тадбиркорлар учун жисмоний шахслардан олинадиган даромад солиғи қатъий белгиланган суммасини ва ижтимоий солиқни ҳисоблаш тўхтатилсин**, бунда фаолиятни тўхтатганлик тўғрисида солиқ тўловчининг шахсий кабинети орқали давлат солиқ хизмати органлари хабардор қилинади ва давлат рўйхатидан ўтказилганлик тўғрисида гувоҳномани топшириш талаб этилмайди.

6. Ўз фаолиятини тўхтатган ва (ёки) товарлар (хизматлар) реализациясидан тушуми жорий йилнинг биринчи чорагидаги ўртача ойлик миқдорига нисбатан 50 фоиздан кўпроққа камайган микрофирма, кичик корхона ва якка тартибдаги тадбиркорларга солиқ органларини хабардор қилган ҳолда **2020 йил 1 октябрга қадар қуйидаги солиқларни фоизсиз кечиктириш (бўлиб-бўлиб тўлаш) ҳуқуқи** тақдим этилсин:

маҳаллий давлат ҳокимияти органларига ариза бермасдан туриб айланмадан олинадиган солиқ, мол-мулк солиғи, ер солиғи, сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ бўйича — уларни кейинчалик 12 ой давомида тенг улушларда тўлаш шарти билан;

ижтимоий солиқ бўйича — уни кейинчалик 6 ой давомида тенг улушларда тўлаш шарти билан.

7. **Жорий йилнинг охирига қадар** спирт, алкоголь маҳсулотлари, шу жумладан, вино ва пиво учун акциз солиғи, шунингдек, бензин, дизель ёнилғиси ва газни якуний истеъмолчиларга реализация қилишдаги акциз солиғининг **амалдаги ставкалари сақланиб қолинсин**.

8. 2020 йил 1 апрелдан бошлаб юридик шахслар томонидан **газ ва электр энергияси бўйича олдиндан ҳақ тўлаш** тўғрисидаги мажбурий талаб **30 фоизгача пасайтирилсин**.

9. Ўзбекистон Республикаси Марказий банки томонидан:

мажбурий захиралар бўйича талабларни енгиллаштириш ҳисобига тижорат банкларини **2,6 триллион сўм** ҳажмидаги қўшимча ликвидлик ресурслари билан таъминлаш;

тижорат банкларига 3 йил муддатгача **2 триллион сўмгача** миқдорда ликвидлик тақдим этишнинг махсус механизмини жорий этиш бўйича кўрилаётган чоралар маъқуллансин.

10. Марказий банкнинг қуйидагилар тўғрисидаги ахбороти маълумот учун қабул қилинсин:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 19 мартдаги ПФ–5969-сон Фармони ижроси доирасида юридик шахсларнинг кредитлари бўйича **7,9 триллион сўм** ҳажмдаги қарздорлиги кечиктирилган;

Ўзбекистонда ва бошқа мамлакатларда коронавирусга қарши курашиш бўйича кўрилаётган чоралар ва иқтисодий фаолликнинг кескин пасайиши сабабли молиявий қийинчиликларга дуч келган ташкилотларнинг кредитлари бўйича қўшимча реструктуризация қилинадиган тўловлар ҳажми қўшимча равишда **7 триллион сўмни** ташкил этмоқда;

жисмоний шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлар томонидан 2020 йилнинг навбатдаги 6 ойи мобайнида сўндирилиши лозим бўлган кредитлар бўйича муддати узайтириладиган тўловлар ҳажми **4,7 триллион сўм**ни ташкил этмоқда.

11. Марказий банк қуйидагилар учун шарт-шароитлар яратиш ва тартиб-таомилларни соддалаштириш чораларини кўрсин:

тижорат банклари томонидан молиявий қийинчиликларга дуч келган юридик ва жисмоний шахслар, якка тартибдаги тадбиркорларнинг кредитлари бўйича тўловларга 2020 йил 1 октябрга қадар кечиктириш тақдим этиш;

амалга киритилган карантин режими фаолиятига салбий таъсир кўрсатган қарздорларнинг муддати ўтиб кетган кредитларига гаров таъминоти бўйича жарима санкциялари ва ундирув чоралари қўлламаслик.

Белгилаб қўйилсинки, тижорат банклари томонидан кредитлар бўйича ҳисобланган ва кечиктирилган фоизлар суммаси **кечиктириш тақдим этилган даврда фойда солиғини ҳисоблашда жами даромад таркибига киритилмайди.**

12. Белгилансинки, 2020 йил 1 октябрга қадар Тадбиркорлик фаолиятини қўллаб-қувватлаш давлат жамғармаси томонидан:

лойиҳалар сонидан қатъи назар, ижобий кредит тарихига эга бўлган тадбиркорлик субъектларига айланма маблағларини тўлдириш учун бериладиган кредитлар бўйича кредит суммасининг 75 фоизидан ошмаган, бироқ 10 миллиард сўмдан ортиқ бўлмаган ҳажмда кафиллик;

тадбиркорлик субъектларига айланма маблағларини тўлдириш учун Марказий банк асосий ставкасининг 1,75 бараваридан ошмаган миқдордаги фоиз ставкаси билан миллий валютада берилган кредитлар бўйича фоиз харажатларини қоплаш учун компенсация, унинг белгиланган миқдорларини сақлаб қолган ҳолда тақдим этилади.

Битта қарз олувчига давлат жамғармаси томонидан бир вақтда ҳам кафиллик, ҳам компенсация беришга қўйилган чеклов бекор қилинсин.

13. Тикланиш ва тараққиёт жамғармаси мазкур Фармон доирасида тўлов муддати кечиктирилган кредитларни қайта молиялаштириш учун тижорат банкларига ажратилган ресурсларни сўндириш муддатларини узайтирсин.

14. Молия вазирлиги манфаатдор тижорат банклари билан биргаликда мазкур Фармон доирасида муддати узайтирилган кредитлар бўйича берилган давлат кафолатларини қайта расмийлаштирсин.

15. Белгилансинки:

коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашиш учун киритилган чеклов чоралари туфайли молиявий қийинчиликларга дуч келган корхоналарга нисбатан **банкротлик тартиб-таомилларини қўллаш** ва уларни банкрот деб эълон қилишга **2020 йил 1 октябргача бўлган муддатда мораторий жорий этилади**;

мажбурий аудиторлик текширувидан ўтказилиши лозим бўлган хўжалик юритувчи субъектларни 2019 йил якунлари бўйича аудиторлик текширувидан ўтказиш муддати **2020 йил 1 октябргача узайтирилади**;

акциядорларнинг 2019 йил якунлари бўйича йиллик умумий йиғилишларини **2020 йил 1 октябргача** муддатда, шунингдек, видеоконференцалоқа режимида ўтказишга рухсат берилади;

активларининг баланс қиймати базавий ҳисоблаш миқдорининг юз минг бараваридан ортиқ бўлган масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятларни ҳар йили мажбурий аудиторлик текширувидан ўтказиш бўйича талаб **2020 йил якунлари бўйича киритилади**;

карантинга олинган шахсларга нисбатан қўлланилган маъмурий жарималарни (карантин қоидаларини бузганлик учун жавобгарлик бундан мустасно) тўлаш муддатлари **карантин муддати тугагунга қадар узайтирилади**;

2020 йил 1 октябргача дорихоналарда тайёрланадиган дори воситалари, тиббий буюмлар ва бошқа маҳсулотларни улгуржи сотишга рухсат берилади;

йил якунига қадар қарз берувчига фоиз шаклида даромад тўлаш мажбуриятисиз қарз (қайтариб бериладиган молиявий кўмак) тақдим этилганда солиқ солиш мақсадида қайта молиялаш ставкаси (асосий ставка) асосида аниқланадиган даромад айланмадан олинадиган солиқ ҳамда фойда солиғини ҳисоблашда жами даромад таркибига киритилмайди ва ўз навбатида солиққа тортилмайди;

карантин тадбирлари даврида ўз фаолиятини тўхтатишга мажбур бўлган тадбиркорлик субъектлари томонидан давлат мулкидан фойдаланганлик учун **ижара тўловларини ҳисоблаш ва ундириш тўхтатилади**;

фойда солиғини аввалги чорак якунлари асосида ҳисоблаш бўйича ўрнатилган талабларни бекор қилган ҳолда, **ушбу солиқни тўловчилар 2020 йилнинг иккинчи чорагидан бошлаб,** кутилаётган ҳажмлардан келиб чиқиб **фойда солиғи бўйича аванс тўловлар суммаси тўғрисида маълумотнома тақдим этиш ҳуқуқига эга.** Солиқ тўловчилар томонидан мазкур ҳуқуқни суиистеъмол қилиш ҳолатлари аниқланганда давлат солиқ хизмати органларига фойда солиғи бўйича аванс тўловлар тўғрисида тақдим этилаётган маълумотномаларга ўзгартиришлар киритиш ваколати берилади;

2020 йил 1 апрелдан бошлаб солиқ тўловчилар Ўзбекистон Республикаси Президенти ва Вазирлар Маҳкамасининг қарорларида назарда тутилган қўшилган қиймат солиғи бўйича имтиёзларни солиқ солишдан бўшаган маблағларни муайян мақсадларга йўналтириш шартларисиз қўллайди.

Инқирозга қарши курашиш бўйича республика комиссияси (А. Н. Арипов) **ишлаб чиқариш фаолиятини давом эттираётган шахслар** ўз ишчиларига шарт-шароитлар ташкил этиши устидан доимий мониторинг олиб бориш учун уларга санитария-эпидемиология хизматлари ва соғлиқни сақлаш муассасаларининг бириктирилишини таъминлаган ҳолда, **ушбу шахслар фаолият кўрсатиши учун зарур шарт-шароитларни яратиш,** шунингдек, коронавирус инфекцияси тарқалишига қарши курашиш учун киритилган чеклов тадбирлари сабабли бажарилмаган инвестиция мажбуриятлари муддатларини узайтириш чораларини кўрсин.

16. Белгилаб қўйилсинки:

коронавирус инфекциясига қарши курашиш бўйича тиббиёт ва карантин муассасалари қурилиши учун зарур бўлган қурилиш материаллари, шунингдек, улар фаолият кўрсатиши учун зарур товарлар 2020 йил 31 декабргача муддатга божхона тўловларидан, шу жумладан, қўшилган қиймат солиғидан озод этилади;

коронавирус инфекциясини аниқлаш бўйича экспресс-тестларни олиб киришда улар учун божхона расмийлаштируви йиғими ундирилмайди.

17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 18 февралдаги “Жамиятда ижтимоий-маънавий муҳитни соғломлаштириш, маҳалла институтини янада қўллаб-қувватлаш ҳамда оила ва хотин-қизлар билан ишлаш тизимини янги даражага олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–5938-сон Фармонига 2-иловага мувофиқ ўзгартиришлар киритилсин.

18. Хўжалик юритувчи субъектларга мол-мулк солиғи, ер солиғи ва сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ тўлашни кечиктириш (бўлиб-бўлиб тўлаш) имкониятини бериш **ишлари лозим даражада ташкил этилмаганлиги** маҳаллий давлат ҳокимияти органларига кўрсатиб ўтилсин.

Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги мол-мулк солиғи, ер солиғи ва сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ тўлашни кечиктириш (бўлиб-бўлиб тўлаш) имконияти берилиши муносабати билан маҳаллий бюджетларининг олинмай қолинадиган даромадлари ўрни Инқирозга қарши курашиш жамғармасидан ҳар ойда қопланишини таъминласин.

19. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси бир ҳафта муддатда ижтимоий нафақаларни тайинлаш ва тўлашнинг амалдаги тартибига оилаларнинг ижтимоий нафақа олишга муҳтожлигини баҳолаш тартиб-таомилларини соддалаштиришга, шу жумладан, қуйидагиларга қаратилган ўзгартиришларни киритсин:

ижтимоий нафақа олиш учун ариза билан бирга тақдим этиладиган ҳужжатларни камайтириш;

давлатнинг ижтимоий ёрдам чоралари ҳисобланувчи алоҳида трансфертларни оиланинг жами даромадларидан чиқариб ташлаш ва бошқалар.

Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги ҳамда унинг ҳудудий бўлинмалари ижтимоий нафақалар ва моддий ёрдамларнинг манзиллилигини таъминлаш мақсадида фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари билан яқин ҳамкорликда ишласин, шунингдек, ижтимоий ёрдамга ўта муҳтож бўлган оилаларга ёрдам кўрсатиш учун тегишли кўмакларни жалб қилиш бўйича тезкорлик билан чоралар кўрсин.

20. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги икки ҳафта муддатда “2020 йил учун Ўзбекистон Республикасининг Давлат бюджети тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни ҳамда бошқа қонун ҳужжатларига ўзгартишлар ва қўшимчалар киритиш юзасидан таклифларни киритсин.

21. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон Республикасининг Бош вазири А. Н. Арипов, Ўзбекистон Республикаси Бош вазири ўринбосари Ж. А. Кўчқоров ва Ўзбекистон Республикаси Марказий банки раиси М. Б. Нурмуратов зиммасига юклансин.

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ш. МИРЗИЁЕВ**

Тошкент шаҳри,
2020 йил 3 апрель

# ҲОМИЙЛИК ХАЙРИЯЛАРИ

## КАРАНТИН ҚОИДАЛАРИ АСОСИДА ЕТКАЗИЛАДИ



*Республика махсус комиссияси қарори билан Ўзбекистон Республикаси Маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазирлиги қошида ҳомийлик хайрияларини мувофиқлаштириш марказлари ташкил этилмоқда. Бу марказлар орқали жисмоний ва юридик шахсларнинг беғараз ёрдамлари санитар-гигиеник талаблар нуқтаи назаридан тўлиқ кўрикдан ўтказилади. Карантин талабларига қатъий риоя қилиниб, махсус кийим-бош ва шахсий ҳимоя воситалари билан таъминланган ҳолда эҳтиёжмандларга етказиб берилади.*

Ана шундай марказлардан бири пойтахтимиздаги “Ўзэкспомарказ” Миллий кўргазма мажмуида иш бошлади.

Ҳар қандай синовни ҳамжиҳатлик, бирдамлик билан енгиб ўтган матонатли элмиз. Қадриятларимизга хос бўлган бирдамлик бугун ҳар қачонгидан ҳам муҳим.

— Марказнинг ташкил қилиниши саховат ишларига қўйилган чеклов эмас, балки “кўринмас ёв” кенг тарқалишининг олдини олиш йўлидаги муҳим қарордир. Бу, албатта, инсонпарварлик ёрдамларининг санитария-эпидемиология қоидалари асосида, фуқаролар саломатлигига хавф туғдирмайдиган тарзда ташкил этилиши ва етказиб берилишига кенг йўл очади, — дейди Ўзбекистон Республикаси маҳалла ва оилани қўллаб-қувватлаш вазири Раҳмат Маматов.

Маълумки, 1 апрелдан 65 ёшдан ошган кексалар учун “ўзини яккалаш” ҳаёт тарзи жорий этилди. Улар фақатгина зарурат бўлган тақдирдагина яқин атрофдаги дорихона, озиқ-овқат дўконига чиқиши мумкин. Мувофиқлаштириш маркази ҳузурида фаолиятини бошлаган “1197” қисқа рақамли телефон хизмати йўлга қўйилиши билан энди бунга ҳам ҳожат қолмайди. Улар бу рақамга телефон қилса, зарур маҳсулотлар етказиб берилади.

Марказга келиб тушган ҳомийлик ёрдамлари дезинфекция ишларидан сўнг, мурожаатчилар эҳтиёжига қараб тақсимланади. Берилган маълумотларга кўра, “1197” қисқа рақамли телефон хизматига бир кун мобайнида 2 мингдан ортиқ фуқаролардан озиқ-овқат ва дори-дармон воситаларига эҳтиёж борлиги хусусида мурожаатлар келиб тушган. Айни дамда 3 мингдан ортиқ хонадонларга озиқ-овқат маҳсулотлари, дори-дармон воситаларини етказиш бўйича тегишли ишлар бажарилмоқда.

Мурожаатлар 24 соат давомида қабул қилинади. Кимда озиқ-овқат зарурати, кимда дори-дармонга эҳтиёж бор... Ҳеч бир мурожаат эътибордан четда қолмайди.

Ҳозирги кунда юртдошларимиз томонидан ажратилган маҳсулотлар марказга келтирилмоқда.

**ЎзА.**

Носир ҲАЙДАРОВ
(«Халқ сўзи») олган сурат.

*Барчамиз ҳозир улкан синов даврида яшаяпмиз. Сабр-тоқат ва матонат, меҳр-оқибат ҳамда фидойилик сингари инсон зотига хос бўлган кўпдан-кўп фазилатлар имтиҳондан ўтадиган, кимнинг аслида ким экани яққол намоён бўладиган давр...*

*Сўнгги пайтларда кўзга кўринмас вирус балоси кўпчилигимизни хавотирга солиб қўйган бўлса-да, бироқ шундай нозик паллада муҳтарам Президентимизнинг халқимиз саломатлигини сақлаш ва коронавирус пандемиясининг олдини олиш борасида тезкор ҳамда пухта ўйланган чора-тадбирларни амалга ошираётгани барчамизни бирдек мамнун қилмоқда.*

# ҲАЁТ ҚЎШИҒИ

Мана, куни кеча Токиодаги Жунтендо тиббиёт университетининг фахрий профессори Момока Чиба бизнинг мамлакатимизда бу офатни бартараф этиш борасида амалга оширилаётган қатъий саъй-ҳаракатларни юксак баҳолади. У Ўзбекистон коронавирус талафотларини ўз бошидан ўтказган Хитой, Жанубий Корея ва бошқа давлатларнинг тажрибасини ўз вақтида ҳамда самарали ўрганишга муваффақ бўлгани инфекцияга қарши курашишда муҳим аҳамият касб этаётганини алоҳида қайд этди.

Коронавирус хасталигига чалинган беморларни даволаётган шифокорларимизнинг намоён қилаётган мислсиз фидойилиги ва бунинг натижасида бир гуруҳ юртдошларимиз бу дарддан бутунлай халос бўлишгани барчамизнинг кўнгилларимизга умид ҳамда ёруғлик бағишлади. Зотан, бу — юртимизда коронавирус касаллигини бартараф қилиш йўлида олиб борилаётган эзгу саъй-ҳаракатларнинг дастлабки натижаси сифатида халқимиз учун бениҳоя қадрлидир.

Демак, ҳаммамиз бир бўлиб, ягона мақсад йўлида ҳамжиҳатликда ҳаракат қилсак, кўзлаган мақсадимизга, албатта, эришамиз. Ҳар биримизнинг кўнглимизда шунга комил ишонч пайдо бўлди, десак, муболаға эмас.

Аммо “гуруч курмаксиз бўлмайди” деганларидек, мана шу синовли кунларда баъзи кимсалар нафснинг қулига айланганига, худбинлик ботқоғига ботганига ҳам гувоҳ бўлдик. Бундан бир неча кун илгари уларнинг асоссиз ваҳима исканжасида қўл урган кўр-кўрона хатти-ҳаракатларини кузатиб, кўнгилларимиз хижил тортди. Юртимизда коронавирус инфекцияси туфайли карантин ҳолати жорий этилгач, супермаркету озиқ-овқат дўконларига ўзини урганлар ҳам, бозорлардаги картошка-сабзи расталари олдида издиҳом ҳосил қилиб, ғала-ғовур кўтарганлар ҳам ўзимизнинг одамлар... Озиқ-овқат маҳсулотларини қоплаб сотиб олиб, омборига, ертўласига тиқаётган кишиларни кўриб, кулишни ҳам, куйишни ҳам билолмай, ҳайрону лол бўлиб қолдик. Ер юзидаги жамики тирик жоннинг ризқини кафолатлаб қўйган Аллоҳ сени оч-наҳор қолдирармиди, эй, ғофил банда, дейсан кўнгил ғашланиб.

Шулар ҳақида ўйлаганимда митти ва заҳматкаш жонзот — асаларининг тутуми хаёлимдан ўтади. Бу митти жониворлар болни фақат ўзи учун тўпламайди. Ҳолбуки, биргина арининг нафсига ўзи йиққан асалнинг юздан бири ҳам кифоя қилади. Ҳақиқат шуки, асалари бундай тотли неъматни нафақат ўзи ва уядошлари, балки инсоннинг ҳам насибадор бўлиши учун йиғади. Шу йўл билан миллионлаб гулларни чанглатиб, набобот оламининг ҳаёти бардавом бўлишига ҳисса қўшади. Хўш, биз, одамлар-чи? Аллоҳнинг шу мўъжаз махлуқичалик ҳимматимиз йўқми? Худбинликдан халос бўлиб, ўзгаларни ҳам ўйлашга қурбимиз етмайдими?

Шукрки, Ўзбекистон — ғалла мустақиллигига эришган мамлакат. Озиқ-овқат хавфсизлиги масаласи Президентимизнинг қатъий назоратида. Кейинги йилларда қишлоқ хўжалиги соҳасида амалга оширилган истиқболли чора-тадбирлар натижасида кундалик эҳтиёжимиз учун зарур бўладиган деярли барча маҳсулотлар ўзимизда етиштирилмоқда. Қолаверса, ҳар йили аҳолини озиқ-овқат маҳсулотлари билан мунтазам таъминлаш мақсадида мўл-кўл захира ҳозирланади. Кўнгилни тўқ қиладиган яна бир ҳолат шуки, шу кунларда деҳқонларимизнинг пешона тери билан етиштирилган сархил мева-сабзавотлар ҳам савдо расталарига чиқа бошлади. Иссиқхоналарда эса помидор-бодрингдан тортиб, турли кўкатлар қишин-ёзин етиштирилиб, халқимизнинг дастурхонига тортиқ қилинмоқда.

## Бедор ўй

Шундай экан, бундай очкўзликнинг боиси нимада? Бу — баъзиларнинг имони сустлиги, дунёқараши торлиги, маънавияти заифлигидан далолат эмасми?

Яқинда ташкил қилинган “Меҳр-шафқат ва саломатлик” жамоат фондига беғараз маблағ ўтказаётган муассасалар ва саховатпеша инсонлар ҳар биримиз учун ибрат ва намуна бўлиши керак деб ўйлайман. Уларнинг ҳиммати қанчадан-қанча юртдошларимизнинг саломатлигини сақлаш ва ижтимоий ҳимоя қилишда кўмак бўлмоқда. Ўз вақтида амалга оширилаётган ҳаётий чора-тадбирлар боис бугун минглаб оилаларда тинчлик-хотиржамлик устувор. Келажагимиз ворислари бўлмиш болажонларнинг кўзлари қувончдан порлаб турибди. Хонадонларимизнинг файзи ва фариштаси бўлмиш нуроний кексаларнинг қўллари дуода. Зеро, мамлакатимизда изчил олиб борилаётганислоҳотларнинг мақсади, аввало, ҳар бир инсоннинг соғлом ва бахтли ҳаётини таъминлашга қаратилгандир.

Кези келганда айтиш жоизки, яқинда муҳтарам Президентимиз томонидан имзоланган “Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиларини рағбатлантириш тўғрисида”ги Фармон ҳам мазмун-моҳияти ва аҳамиятига кўра, мамлакатимизда инсон ҳамда унинг шаъни, қадр-қиммати энг олий қадриятга айланганининг амалдаги яна бир ифодаси бўлди. Ушбу ҳужжатга асосан, Иккинчи жаҳон уруши қатнашчилари ва ногиронлари ўн миллион сўм миқдорида бир марталик пул мукофоти билан тақдирланиши ва ҳурмат-иззати жойига қўйилиши уларнинг кўнглини тоғдек кўтариб, руҳини тетиклаштириши, умрига умр қўшиши, шубҳасиз.

Дунёда эзгулик устувор экан, ўзгаларга яхшилик соғиниб яшаш ва ўзаро меҳр-оқибат ҳисси барқарор экан, ҳеч қандай куч ҳаёт низомини бузолмаслиги, инсонлар ҳар қандай синов ва қийинчиликлардан ёруғ юз билан ўтиши муқаррар. Бинобарин, бугун коронавирус деб аталмиш кўзга кўринмас иллатни енгишимизда уюшқоқлик, сабр-тоқат, тартиб-интизом, поклик, тозалик ва инсонийликнинг қадри ҳар қачонгидан ҳам баланд.

Баҳорнинг бугунги шукуҳли кунларида жонажон Ватанимизнинг бепоён қир-адирларида кўм-кўк гиламларини тўшаб, боғ-чорбоғларида дов-дарахтларининг кўрки тароватини намойиш этаётган бу гўзал кўклам фасли ҳар дилга ўзгача туйғу бахш этиши табиийдир.

***Боғ бағрида ажиб бир оҳанг,***
***Созларида гард инмас баёт.***
***Камалакдай олам ранг-баранг,***
***Бунча гўзал, сирлисан ҳаёт.***
***Гулғунчалар қийғос — хушбўйки,***
***Боларилар келиб ёпишди.***
***Кеча эди музли ва қорли,***
***Тақдир экан — бугун топишди.***
***Ҳайрат дилга солади жунбуш,***
***Шивирлайсан, не эди боя...***
***Борлиғини бахш этиб сархуш,***
***Борлиқ сўзлар — гулгун ҳикоя.***

Жонсарак асалари учиб-қўниб, гуллардан бол тўплайди. Шу тобда митти жониворнинг бир маромдаги ғувиллаган овози кишига ажиб бир таскин-тасалли бағишлайди. Кўнгилда ҳаётга чексиз муҳаббат, чин маънода яшашга, курашишга кучли иштиёқ пайдо бўлади. Зеро, асаларининг нозик қанотлари ҳаракатидан ҳосил бўлаётган товуш шунчаки оддий бир шовқин эмас, бу — ҳаёт қўшиғи, тириклик симфониясидир.

**Ўткир РАҲМАТ.**

## Даъват

# Уйда қолинг

*Бугун элдан сўралгани биргина сўз,*
*Биргина сўз — сизу бизга нургина сўз.*
*Ҳам қалбларда, ҳам жисмда очилсин кўз,*
*Бу даъватни унутманг ҳеч, қулоқ солинг,*
*Уйда қолинг, эй ватандош, уйда қолинг!*

*Миллион инсон ҳозир боши болишларда,*
*Туну куни Яратганга нолишларда,*
*Сизга айтар, менга айтар, толишларда:*
*— Бизга боқинг, ҳолимиздан ибрат олинг,*
*Уйда қолинг, эй яхшилар, уйда қолинг!*

*Албатта, бу Худойимнинг синовидир,*
*Вирусми у, инфекция — жон овидир.*
*Ўз халқига Президент сўровидир,*
*Майли, тартиб, интизомдан хоҳланг, нолинг,*
*Лекин фақат, бир илтимос, уйда қолинг!*

*Бу сизларга шифокорлар дил розидир,*
*Бўзлаб турган беморларнинг овозидир,*
*Гуноҳларнинг ўлчовига тарозидир —*
*Ким билади? Ҳаққа аён, ўйга толинг,*
*Сабр тагин олтин билиб уйда қолинг!*

*Деманг, биздан бу касаллик йироқдадир,*
*Кўришган қўл, балки босган оёқдадир,*
*Кўр-кўрона бошга тушган таёқдадир,*
*Сиз Ҳақданмас, сиз халқданмас, ўздан нолинг,*
*Аммо эй дўст, ўзингиз-чун уйда қолинг!*

*Биз миллионмиз, ўттиз тўртдан зиёд миллион,*
*Бизни бугун кузатмоқда жумла жаҳон,*
*Бир кемада — битта халқмиз, Ўзбекистон,*
*Аждодларнинг руҳи покин ёдга олинг,*
*Қардош учун, жондош учун уйда қолинг!*

*Майли юз минг, балки зиёд шифокорлар,*
*Элим деган, юртим деган ори борлар,*
*Омон қолсин, дейди бизда бор беморлар,*
*Сиз ҳам айтинг: — Тўкилмасин тилдан болинг,*
*Оқ халатли оқ диллар-чун уйда қолинг!*

*Меҳнат билан муродини топган халқмиз,*
*Қадр қилиб кушодини топган халқмиз,*
*“Русти — рости”, деган сўзда бизлар ҳақмиз,*
*Амир Темур қудратини ёдга солинг,*
*Азизликни азиз тутиб уйда қолинг!*

*Ватанпарвар десангиз сиз ўзингизни,*
*Ватан учун очинг аввал кўзингизни,*
*Бемор бўлманг, ёруғ қилсин юзингизни,*
*Оқил диллар чорловига қулоқ солинг,*
*Шу халқ учун, Ватан учун уйда қолинг!*

**Маҳмуд ТОИР,**
**Олий Мажлис Сенати аъзоси,**
**Ўзбекистон халқ шоири.**

## Парламентдаги мухбиримиз хабар қилади

### СЕНАТНИНГ МАХСУС ИШЧИ ГУРУҲИ ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЕВРООСИЁ ИҚТИСОДИЙ ИТТИФОҚИ БИЛАН ҲАМКОРЛИК ИСТИҚБОЛЛАРИНИ ЎРГАНМОҚДА

*Олий Мажлис Сенатида Ўзбекистоннинг Евроосиё иқтисодий иттифоқи (ЕОИИ) билан ҳамкорлик истиқболларини ҳамда ушбу ҳамкорликнинг мамлакатимиз миллий манфаатларига таъсирини чуқур ва ҳар томонлама ўрганиш бўйича махсус Ишчи гуруҳи тузилди.*

Ишчи гуруҳ Ўзбекистон Республикаси Президентининг парламентга йўллаган Мурожаатномасида қайд этилган топшириқ ва кўрсатмалари асосида Вазирлар Маҳкамаси томонидан тақдим қилинган таклифлар ҳамда мазкур масалага оид бошқа материалларни чуқур ўрганади, уларнинг кенг муҳокамасини ташкил этади ва ўзининг хулосасини тайёрлайди.

Бунда ЕОИИга аъзо давлатлар тажрибаси, йирик инвестиция лойиҳаларини амалга ошириш, ҳудудий кластерлар, саноат ва савдо зоналарини йўлга қўйиш, ҳудудлараро ҳамкорликни янада кенгайтириш, эркин савдо режимининг амалиёти каби қатор истиқболли имкониятларни батафсил ва атрофлича таҳлилдан ўтказиш кўзда тутилмоқда.

Ўрганиш жараёни Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, Вазирлар Маҳкамаси ҳамда республиканинг мутасадди вазирлик ва идоралари билан яқиндан ҳамкорликда ташкил қилинади.

**«Халқ сўзи».**

Ўзбекистон ва ЕОИИ:

# ҚЎМИТА ЎЗ ХУЛОСАСИНИ ҚАЧОН БЕРАДИ?

*Юртимизда барча соҳа ва тармоқларда кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Албатта, бундай шароитда барқарор иқтисодий ўсишни таъминлаш муҳим роль ўйнайди. Бу эса мамлакат иқтисодиёти рақобатдошлиги ва экспорт салоҳиятини оширишга эришиши учун халқаро иқтисодий ҳамкорликни кенгайтириш ҳамда жаҳон бозорига интеграциялашув жараёнини жадаллаштиришни тақозо этади.*

Президентимиз Олий Мажлисга Мурожаатномасида Ўзбекистоннинг Евроосиё иқтисодий иттифоқи билан ҳамкорлиги масаласига эътибор қаратиб, бу масала Олий Мажлис палаталарида атрофлича ўрганилиб ҳамда муҳокама қилиниб, халқ манфаатлари ва уларнинг хоҳиш-иродасини ҳисобга олган ҳолда, асосланган хулоса бериши лозимлигини таъкидлаган эди.

Айни кунларда Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг қўмиталари ва сиёсий партиялар фракциялари томонидан ўз мақсад ҳамда вазифаларидан келиб чиқиб, Ўзбекистоннинг ЕОИИ билан ҳамкорлигига оид таҳлилий ўрганиш ишлари олиб борилмоқда.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Фуқароларнинг соғлиғини сақлаш масалалари қўмитаси томонидан Ўзбекистоннинг Евроосиё иқтисодий иттифоқи билан ҳамкорлиги масаласини ўрганишга бағишлаб ўтказилган йиғилиш ана шундай тадбирларнинг навбатдагиси бўлди.

Видеоконференцалоқа тарзида уюштирилган тадбирда қўмита аъзоларидан ташқари, Қонунчилик палатасида Ўзбекистон Республикасининг Евроосиё иқтисодий иттифоқи билан ҳамкорлигини йўлга қўйиш масаласини ўрганишни ташкил этиш бўйича ишчи гуруҳи раиси ҳамда Ҳукуматда ташкил этилган ишчи гуруҳнинг муҳокамадаги масалалар бўйича масъул аъзолари қатнашди.

Тадбирда Ўзбекистоннинг ЕОИИ билан ҳамкорлик қилишининг мамлакатимизда дори воситалари ва тиббий буюмлар айланишига, санитария-эпидемиология масалаларига, меҳнат миграцияси, хусусан, тиббиёт ходимлари миграциясига таъсири атрофлича муҳокама қилинди.

Иштирокчилар таъкидлаганидек, ушбу интеграция натижасида очиқ бозорда ўрин олиш учун, мамлакатимизда хизматлар ва маҳсулотлар рақобатбардошлигини ошириш, ЕОИИ талабларига жавоб берадиган сифатни таъминлаш мақсадида ишлаб чиқаришга, жумладан, фармацевтика саноатига илғор технологиялар жалб қилиш орқали дори воситалари, тиббий буюмлар ва сарфлов материаллари сифати оширилади. Кадрлар, хусусан, тиббиёт ходимларини тайёрлашда касбий малакасига бўлган эътибор кучаяди, инфратузилма санитария жиҳатидан яхшиланади.

Бундан ташқари, 200 га яқин санитария қоида ва нормалари қайта кўриб чиқилиб, такомиллаштирилиши уларни қўллаш билан боғлиқ барча вазиятларда санитария ҳолати яхшиланишини таъминлайди.

Шу билан бирга, қўмита аъзолари ушбу интеграциядан кутиладиган айрим масалалар янада чуқур ўрганилиши лозимлигига эътибор қаратишди. Тиббий ходимлар миграцияси, шунингдек, аҳолини сифатли ва арзон дори воситалари билан таъминлашга оид масалалар шулар жумласидан экани таъкидланди.

Йиғилиш якунида қўмита хулосасини Ўзбекистоннинг Евроосиё иқтисодий иттифоқи билан ҳамкорлик масаласини қайта чуқур ўрганган ҳолда беришга келишиб олинди.

**Зиёда АШУРОВА.**

# ИСЛОҲОТЛАР ЖАРАЁНИДА ЭНГ ФАОЛ ВА ТАШАББУСКОР ҲАМКОР — ЖАМИЯТ ВА УНИНГ ВАКИЛЛАРИ

*Президентимизнинг парламентга йўллаган Мурожаатномаси барчамиз учун муҳим дастуриламал бўлиб хизмат қилмоқда. Чунки унда янги Ўзбекистонни барпо этиш учун ислоҳ қилиниши лозим бўлган ҳамма соҳа тилга олиниб, жамият тараққиётининг муҳим йўналишлари белгилаб берилди.*

## Нуқтаи назар

Жумладан, давлатимиз раҳбари Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди фаолиятини такомиллаштириш зарурати ҳақида тўхталиб, ўз таклифларини илгари сурди. Фонд маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси олдига мамлакат ҳамда ҳудудлар даражасида нодавлат нотижорат ташкилотлари билан ижтимоий шерикликни кенг йўлга қўйиш, грантлар ва ижтимоий буюртмалар кўламини янада кўпайтириш вазифаларини ҳам белгилаб берди.

Хўш, жамоат фонди ўз фаолияти йўналишлари асосида қандай ишларни амалга оширяпти, ННТ билан давлат идоралари ўртасидаги ижтимоий шериклик муносабатлари қай даражада йўлга қўйиляпти, деган савол туғилиши табиий.

Айтиш жоизки, нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари бугунги кунда аҳолини ўйлантираётган муаммоларга давлат идоралари эътиборини қаратишга, ўзларининг асосланган таклифларини бериб боришга интилмоқда.

Сўнгги беш йилда нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини давлат гранти шаклида қўллаб-қувватлаш мақсадида Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фондининг маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси томонидан 32 та танлов ўтказилган бўлиб, 6 мингга яқин лойиҳалар очиқ-ошкоралик тамойили асосида кўриб чиқилди.

**Муҳим ижтимоий аҳамиятга молик 1355 та лойиҳага салкам 35 млрд. сўмлик маблағ ажратилди. Ҳаракатлар стратегиясини амалга ошириш жараёнида давлат субсидияси шаклида қўллаб-қувватланган ННТ сони 1,8 баробар, ажратилган маблағлар миқдори 7,6 баробар оширилди.**

2015 — 2019 йилларда фуқаролик жамияти институтларини давлат гранти, ижтимоий буюртмаси ва субсидияси шаклида қўллаб-қувватлаш ҳажмлари уч баробар ошган. Шу даврда 1449 та лойиҳага қарийб 92 млрд. сўм миқдорида маблағ йўналтирилган.

Парламент комиссияси томонидан ажратилган маблағлар кўмагида 2617 та янги иш ўрни яратилди, 655 нафар хотин-қизнинг бандлиги таъминланди. Шу билан бирга, 1724 та қўшимча касбга ўргатиш, қайта тайёрлаш ва малака ошириш курслари ташкил этилиб, уларда 99 мингдан ортиқ ёшлар, хотин-қизлар ва ногиронлиги бўлган шахслар бепул ўқитилди.

**Уюшмаган ёшлар ҳамда хотин-қизларнинг касбий кўникмаларини шакллантириш мақсадида Андижон, Жиззах, Навоий, Самарқанд ва Сурхондарё вилоятларида ҳар бирида биттадан касбий малака экспериментал марказлар ташкил этиш орқали 700 нафар фуқаро ишга жойлаштирилди. Кам таъминланган оилалардаги 100 нафар болада туғма юрак хасталигини даволаш мақсадида бепул жарроҳлик амалиёти ўтказилиб, уларнинг соғлиғи тўлиқ тикланди.**

Амалга оширилган ишлар талайгина. Аммо бу барча муаммолар ечилди, дегани ҳам эмас. Олдимизга қўйилган долзарб вазифалардан келиб чиқиб, бир қатор лойиҳаларни амалга оширишни мақсад қилганмиз.

Хусусан, нафақат давлат ва ННТ, фуқаролик жамияти институтлари, балки бизнес вакиллари ва хўжалик бирлашмалари билан ҳамкорлик тизимли йўлга қўйилади. Ҳар бир ижтимоий ва умумаҳамиятга эга лойиҳалар юзасидан “мақсадли гуруҳларни” ва унинг кўламини аниқлаш, лойиҳалар ҳамда дастурларни амалга оширишнинг механизм ва шаклларини белгилаш, кўтарилаётган муаммоларнинг аниқ таҳлилини (глобаллик ёки ҳудудийлик тамойилини аниқлаш, субъектив ёки тизимли, иқтисодий ёки сиёсий ва бошқалар)ни юритиш йўлга қўйилади.

Жамиятимизнинг барча соҳасида давлат органлари, хўжалик бошқаруви ва бизнес тузилмалари билан биргаликда ижтимоий ва умумаҳамиятга эга лойиҳаларни амалга оширишда масъулиятни ўз зиммаларига олиб фаол ҳаракат қилаётган НТТ кўлами ошиб бормоқда.

Бундай ижобий ҳолатни давлат ҳам, ННТ ва фуқаролик жамияти институтларининг ўзи, ҳатто жамият ҳам олқишлайди. Шу боис нафақат уларни оталиққа олиб, балки консультатив хизмат ва тўғри йўл кўрсатаётган Олий Мажлис ҳузуридаги жамоат фонди моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, ташкилий-кадрлар салоҳиятини кучайтириш, фонднинг иқтисодий асосларини эса тубдан такомиллаштириш долзарб вазифа ҳисобланади.

**Эътибор беринг, жамоат фондининг ўтган 12 йиллик фаолияти давомида иш кўлами йил сайин ошган. Мисол учун, 2008 — 2010 йилларда жамоат фонди томонидан ажратилган маблағлар миқдори ўртача 1,9 — 2,3 млрд. сўмдан ошмаган бўлса, 2019 йилда 28 млрд. сўмдан кўпни ташкил этган.**

**Шу даврда фақат грантлар йўналишида ҳаммаси бўлиб, 30 — 35 нафар фонд субъектлари салкам 0,6 млрд. сўм грант маблағлари олишган бўлса, 2019 йил давомида 308 нафар (8,8 баробар кўп) субъект 8,8 млрд. сўмлик (15 маротаба кўп) грантлар ғолиби бўлишган.**

Бу шунчаки рақамлар эмас. Бу соҳада жонланиш кўзга ташланаётганини ифодалайди.

Яна бир муҳим жиҳат, Конституциямизнинг 87-моддасига мувофиқ, Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати аъзоларининг 2015 — 2019 йиллардаги ваколати тугаганлиги сабабли парламент палаталари Олий Мажлис ҳузуридаги жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссиясининг янги таркибини сайлаш юзасидан ўз таклифларини тақдим этди.

Шу асосда ушбу масала жорий йилнинг 30 март куни бўлиб ўтган Олий Мажлис палаталари Кенгашларининг қўшма йиғилишида кўриб чиқилди. Унда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссиясининг таркиби сайланди.

Жамоат фонди томонидан Президентимизнинг Олий Мажлисга Мурожаатномасида белгиланган вазифалар ижросини таъминлашга қаратилган “Йўл харитаси”ни ҳамда фонд фаолиятини тубдан такомиллаштириш бўйича комиссия таклифларини ишлаб чиқиш тўғрисидаги қарорлар қабул қилинди.

Албатта, буларнинг барчаси фуқаролик жамияти институтларининг ижтимоий ҳаётдаги ролини янада юксалтириш, уларнинг давлат билан ижтимоий шериклик муносабатлари кўламини янада кенгайтиришга хизмат қилади.

**Адҳам ШАДМАНОВ,**
**Олий Мажлис ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси раиси.**

# ТУЗИЛМА БИЛАН ИНТЕГРАЦИЯНИНГ ИЖОБИЙ ВА САЛБИЙ ЖИҲАТЛАРИ

*Сўнгги кунларда мамлакатимизнинг Евроосиё иқтисодий иттифоқи билан ҳамкорлиги масаласи қизғин муҳокама қилинмоқда. Фикр-мулоҳазалар турли-туман. Шу боис Ўзбекистоннинг Евроосиё иқтисодий иттифоқи билан ҳамкорлик масаласининг ижобий ва салбий жиҳатлари ҳақида айрим фикрларни билдириш жоиз.*

## Депутат фикри

Маълумки, ЕОИИ аъзо давлатлар манфаатларини таъминлашга оид бир қатор йўналишларни амалга оширади. Булар нимани назарда тутади?

Иттифоққа аъзо бўлган Россия Федерацияси, Беларусь, Қозоғистон, Қирғизистон ва Арманистон давлатларининг умумий майдони 20,3 миллион квадрат километрни ташкил этади, аҳолисининг сони 186 миллион киши, ЯИМ ҳажми эса 1,9 триллион АҚШ долларига тенгдир. Кўриниб турибдики, Евроосиё иқтисодий иттифоқи — ҳажми жиҳатидан жуда катта бозор ва бу бозор билан ҳамкорлик қилиш Ўзбекистонга маълум имкониятлар яратиб бериши мумкин.

Мамлакатимизда экспортни, айниқса, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари экспортини кенгайтириш стратегик вазифа қилиб белгиланган. Бунинг учун салоҳиятли ва барқарор истеъмол бозори зарур. Шу жиҳатдан олиб қараганда Евроосиё иқтисодий иттифоқи билан интеграциялашув аҳамиятли ҳисобланади. Қолаверса, ЕОИИ қишлоқ хўжалиги маҳсулотларимизни иттифоқ мамлакатларига божхона тўловларисиз экспорт қилишга шароит яратадики, бу катта миқдорда қўшимча фойда кўриш имконияти демакдир.

ЕОИИ билан ҳамкорлик меҳнат муносабатлари масаласида ҳам Ўзбекистон учун бир қатор ижобий натижаларни бериши мумкин. Жумладан, мигрантларнинг хорижий мамлакатда ишлаши, яшаши, турмуш шароити яхшиланишига олиб келади, уларнинг қонуний йўл билан чиқиб кетишини ҳамда аниқ ҳисобини юритишни таъминлайди. Евроосиё иқтисодий иттифоқи давлатларида патент тўловлари бекор қилинади ва бу ўзбекистонлик мигрантларга қўшимча даромад олиб келади, мамлакатимизга хорижий валюта оқимини кўпайтиради.

Миллий маҳсулотларимизнинг Евроосиё иқтисодий иттифоқи давлатлари ҳудудида эркин сотилишига имкон пайдо бўлиши ва Ўзбекистонга иттифоқнинг аъзо мамлакатлари маҳсулотларининг эркин кириб келиши тадбиркорлик субъектларига ва халқимизга танлаш ҳамда эркин тадбиркорлик қилиш имкониятини оширади.

Иттифоқ доирасида товарларнинг бож тўловларисиз олиб ўтилиши, давлатларнинг ички бозорларига маҳаллий товарларнинг ҳеч қандай тўсиқларсиз кириб бориши, божхона идоралари фаолиятини тартибга солишнинг умумий ва мукаммал тизимини яратиш, капитал ҳаракати эркинлигини таъминлаш имкониятларини яхшилайди. Албатта, бу иқтисодий алоқалар кучайишининг ижобий томонлари.

Шу билан биргаликда, унинг айрим салбий жиҳатлари ҳам мавжуд.

*Биринчидан*, мамлакатимизда маҳсулотлари юқори нархга эга бўлган корхоналар фаолиятига салбий таъсир бўлиши;

*иккинчидан,* ички бозорда импорт маҳсулотлари ҳажмининг кўпайиши;

*учинчидан,* айрим товарлар бозорида рақобатнинг ортиши, ҳозир турлича бўлган техник тартибга солиш ва стандартларни бир хил қилиш билан боғлиқ муаммолар вужудга келиши;

*тўртинчидан,* тайёр саноат товарларини ишлаб чиқариш бўйича ҳудудлараро тафовут ортиши мумкин.

Шу билан бирга, ЕОИИ меҳнат миграцияси соҳаси ҳам айрим камчиликлардан ҳам холи эмас, яъни сифатли ишчи кучининг мамлакатдан чиқиб кетиши ва бунинг оқибатида мамлакатда унга бўлган талаб ҳамда таклифнинг бузилиши юз бериши мумкин. Қолаверса, кўпчилик мигрантларнинг хорижий мамлакат тилини билмаслиги уларнинг ишга жойлашишига салбий таъсир ўтказмасдан қолмаслигини ҳам эътибордан соқит қилмаслик лозим.

Шуни қайд этишимиз жоизки, Евроосиё иқтисодий иттифоқи ҳудудида маҳсулотларга (маркировка, сифат, санитария нормалари ва бошқалар) нисбатан бўлган алоҳида меъёрлар тизими ишлаб чиқилган. Шу каби бошқа талаблар турли маҳсулотларнинг ишлаб чиқариш жараёнида турли сифат ўзгаришларини киритишни талаб этади. Бу ҳолатда, монопол, деб ҳисобланадиган айрим тармоқларнинг фаолияти ҳам хавф остида қолиш эҳтимоли катта. Шундан келиб чиқиб, менежмент ва ишлаб чиқариш жараёнларини сифат жиҳатидан тубдан ўзгартириш талаб этилади.

Умуман айтганда, ҳозирги ривожланишнинг глобаллашув шароитида халқаро алоқаларнинг тутган ўрнини ҳисобга оладиган бўлсак, Евроосиё иқтисодий иттифоқига дастлабки босқичда кузатувчи мақомида қўшилиш Ўзбекистон манфаатларига мос келади. Энг муҳими, мамлакатимиз иқтисодиёти янада ўсишига зарур шароит яратилади.

**Мухтор ҲОЖИМАТОВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, Ўзбекистон Экологик партияси фракцияси аъзоси.**

# ДАВЛАТ ПЕНСИЯ ТАЪМИНОТИДАГИ МУАММОЛАР ДЕПУТАТЛАР МУҲОКАМАСИДА

*Бугунги кунда пенсия ва нафақа таъминоти масаласида фуқаролар томонидан кўплаб мурожаатлар бўлмоқда. Арзномаларда кўтарилаётган муаммолар яқинда қуйи палатада Ўзбекистон Халқ демократик партияси фракцияси ҳамда Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитаси аъзолари томонидан ўрганилиб, таҳлил қилинган.*

Мазкур қўмита ҳамда фракциянинг видеомулоқот шаклида ўтказган қўшма йиғилишида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси ижро этувчи директори ўринбосарининг “Ўзбекистонда фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти ҳолати, мавжуд муаммолар ва истиқболдаги режалар” мавзуида ахбороти эшитилди.

Таъкидланганидек, бугунги кунда республикамизда пенсия ва нафақа олувчиларнинг умумий сони 3 миллион 678 минг нафарни ташкил этиб, аҳоли сонидаги улуши 10,9 фоизни ташкил қилмоқда (шундан, 3 миллион 313 минг нафари пенсия ва 365 минг нафари нафақа олувчилар ҳисобланади).

2019 йилда II гуруҳ ногиронлиги бўлган шахслар пенсиясининг энг кам миқдори ёшга доир энг кам пенсиянинг 50 фоизидан 75 фоизига ва II гуруҳ ногиронлиги бўлган ёлғиз шахсларнинг пенсиясига устама миқдори энг кам иш ҳақининг 50 фоизидан 75 фоизига оширилди. Бундан ташқари, I гуруҳ ногиронлик нафақаси олувчи шахсларга энг кам иш ҳақи (пенсия ҳисоблашнинг базавий миқдори)нинг 25 фоизи миқдорида ҳар ойлик қўшимча тўловлар жорий этилгани маълум қилинди.

Пенсия миқдори ва муддатлари тўғрисида маълумотларни жамғармага келмаган ҳолда олишлари учун пенсионерларга интерфаол хизматлар жорий қилинди, 2,4 миллиондан ортиқ пенсия ва нафақа олувчиларнинг мобиль телефонлари “SMS-pensiya” интерактив хизматига уланди. Албатта, тизимда олиб борилган ижобий ишлар билан бирга, қатор муаммолар борлиги ҳам таъкидланди.

Депутатлар томонидан тизимда йиллар мобайнида ечимини кутаётган муаммолар сақланиб қолаётгани, бунинг оқибатида фуқароларнинг пенсияга оид ҳуқуқ ва манфаатларига путур етаётганига эътибор қаратилди. Хусусан, қишлоқ хўжалиги соҳасида (жамоа хўжалиги, давлат хўжалиги) ишлаб, пенсияга чиққан шахслар бошқа соҳа вакилларига нисбатан камроқ пенсия олаётгани билан боғлиқ масала муҳокамалар марказида бўлди.

Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 8 сентябрдаги қарори билан тасдиқланган “Давлат пенсияларини тайинлаш ва тўлаш тартиби тўғрисида”ги Низомда жамоа хўжалигидаги иш стажини ҳисоблаб чиқишда айрим муаммолар келиб чиқяпти. Хусусан, ўз вақтида жамоа ва давлат хўжаликлари (колхоз, совхоз)да меҳнатда иштирок этиш минимуми турлича белгиланган. Жамоа хўжаликлари (охиргиси 2005 йилда) тарқатиб юборилганидан сўнг ишчилар ишсиз қолиши натижасида меҳнат стажида катта узилишлар юзага келган. Асосий муаммо жамоа хўжалиги ва ширкат хўжаликларида меҳнат фаолиятини 2005 йилга қадар юритган фуқароларнинг ушбу хўжаликлардаги меҳнат фаолияти (масалан, ҳар йилги меҳнат минимум қарорлари) тўғрисидаги маълумотлар архив сақловига топширилмаган ёки умуман мавжуд эмас.

Бунинг натижасида қишлоқ хўжалиги соҳасида (жамоа хўжалиги, давлат хўжалиги) ишлаб, пенсияга чиққан шахслар бошқа соҳа вакилларига нисбатан камроқ пенсия олишга мажбур бўлмоқда ва уларнинг ҳақли эътирозларига сабаб бўлмоқда. Ваҳолонки, бу уларнинг айби эмас, меъёрий ҳужжатлардаги камчилик сабаблидир.

Йиғилишда депутатлар томонидан ушбу муаммони бартараф этиш учун 2005 йилга қадар жамоа ва ширкат хўжаликларидаги меҳнат фаолияти даврларини тўлиқ йил сифатида инобатга олиниши тўғрисидаги ҳужжат лойиҳасини ишлаб чиқиш кераклиги ҳақидаги таклиф илгари сурилди.

Бундан ташқари, тўлиқсиз ёшга доир пенсия масаласи ҳам кенг муҳокама қилинди. Ҳозирги кунда камида 7 йил иш стажига эга бўлган шахсларга тўлиқсиз ёшга доир пенсия тайинланмоқда. Ушбу пенсиянинг энг кам миқдори 236 000 сўмни ташкил этяпти. Табиийки, ушбу пенсия миқдори пенсионернинг бир ойлик сарф-харажатлари учун етарлими, деган савол туғилади. Депутатлар томонидан ёшга доир пенсия миқдорини “Истеъмол саватчаси” индексига асосланган ҳолда янги қоида асосида белгилаш таклифи билдирилди.

Шу билан бирга, бугунги кунда аҳоли томонидан бўлаётган жуда кўплаб мурожаатларда пенсия ҳисоблашда ишдаги мавжуд танаффуслардан қатъи назар, исталган беш йиллик кетма-кетликдаги (пенсия сўраб мурожаат этган кишининг танлови бўйича) иш ҳақи олинишини белгилаш тўғрисидаги таклифни кўриб чиқиш мақсадга мувофиқлиги таъкидланди.

Йиғилишда кўтарилган қатор муаммоларни Молия вазирлиги ҳузуридаги бюджетдан ташқари Пенсия жамғармаси Президентимизнинг 2019 йил 8 январдаги Фармонига мувофиқ, Давлат пенсия таъминоти тизимини ислоҳ қилиш концепцияси лойиҳасини ишлаб чиқишда, албатта, инобатга олиши зарурлиги тўғрисидаги фикрлар билдирилди.

**Зиёда АШУРОВА**
**(«Халқ сўзи»).**

# Коронавируснинг миллий иқтисодиёт ва тадбиркорлик ривожига таъсирини қандай камайтириш мумкин?

*Дунёни ташвишга солиб турган коронавирус пандемияси умумжаҳон, шу жумладан, мамлакатимиз иқтисодиёти ва тадбиркорлик ривожига салбий таъсир кўрсатиши турган гап. Шундан келиб чиқиб, бу борада муайян чора-тадбирлар кўрилмоқда.*

*Президентимизнинг 2020 йил 19 мартдаги “Коронавирус пандемияси ва глобал инқироз ҳолатларининг иқтисодиёт тармоқларига салбий таъсирини юмшатиш бўйича биринчи навбатдаги чора-тадбирлар тўғрисида”ги Фармонига асосан, Молия вазирлиги ҳузурида миқдори 10 триллион сўмдан иборат бўлган Инқирозга қарши курашиш жамғармаси ташкил қилиниб, унинг маълум қисми иқтисодиёт тармоқларининг барқарор фаолият юритишини таъминлаш учун йўналтирилганлигини энг оқилона йўл сифатида баҳолаш мумкин.*

## Сенатор мушоҳадаси

Фармонда тадбиркорлик фаолияти учун қатор солиқ имтиёзи ва бошқа енгилликлар кўзда тутилганлигини ҳам айтиш жоиз. Хусусан, 2020 йил 1 апрелдан 1 октябргача бўлган даврда якка тартибдаги тадбиркорлар учун ягона ижтимоий солиқнинг ойлик энг кам суммаси базавий ҳисоблаш миқдорининг 50 фоизига қадар камайтирилади. Бунда амалда базавий ҳисоблаш миқдорининг бир баравари, яъни 223000 сўм ягона ижтимоий солиқ тўлаган якка тартибдаги тадбиркор 2020 йилнинг 6 ойи давомида 111500 сўм миқдорда тўлайди. Қишлоқ хўжалигидаги ерларни суғориш мақсадида фойдаланиладиган ҳажмлар бўйича сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ ставкаси 2020 йилда ўрнатилган ставкадан 50 фоизга пасайтирилди.

Шу билан бирга, карантин даврида фуқароларга келиб чиқиши мумкин бўлган ноқулайликларнинг олдини олиш мақсадида 2019 йил учун жисмоний шахсларнинг жами йиллик даромадлари тўғрисидаги декларацияни тақдим этиш муддати 2020 йил 1 августга қадар узайтирилди, жисмоний шахслар учун мол-мулк солиғи ва ер солиғини тўлаш муддати 2020 йил 15 октябрга қадар узайтирилади.

Яна бир қатор янгиликлар борки, буларнинг барчасини қонунчиликда тезкор акс эттириш муҳим. Шу боисдан ҳам “Ўзбекистон Республикасининг Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонун лойиҳаси тайёрланди ва у ҳозир кўриб чиқилмоқда.

Ҳозирги вазиятдан келиб чиқиб, 2020 йил 1 октябргача бўлган даврда солиқ органлари вақтинча қийинчиликларни бошдан кечираётган хўжалик юритувчи субъектларга мол-мулк солиғи, ер солиғи ва сув ресурсларидан фойдаланганлик учун солиқ бўйича пенялар ҳисобланишини тўхтатиб туради, солиқ қарзини мажбурий ундириш чораларини кўрмайди.

Шунингдек, чет эл корхоналари билан бўладиган ташқи иқтисодий муносабатларда вужудга келадиган қийинчиликларни юмшатиш мақсадида 2020 йил 1 октябргача бўлган даврда ташқи савдо операциялари бўйича муддати ўтган дебитор қарздорлик учун хўжалик юритувчи субъектларга жарималар қўллаш тўхтатилади.

Айтиш лозимки, жойига чиққан ҳолда, яъни тадбиркорлик субъектида унинг масъул шахслари иштирокида ўтказиладиган солиқ аудити 2021 йил 1 январга қадар тўхтатилди. Албатта, жиноят ишлари доирасида ва юридик шахсни тугатиш муносабати билан ўтказиладиган солиқ аудити бундан мустасно.

Яна бир енгиллик экспорт-импорт билан боғлиқ. Гап шундаки, шу фаолият билан шуғулланадиган тадбиркорлик субъектлари ҳисобот йилида амалга оширилган товарлар умумий экспортига нисбатан 10 фоиздан ошмаган муддати ўтган дебитор қарздорлиги борлигига қарамай, экспорт қила олади. Қолаверса, уларга 2020 йил давомида ташқи савдо операциялари бўйича муддати ўтган дебитор қарздорлигини сўндириш эвазига технологик асбоб-ускуналар ва хом ашё товарларини импорт қилиш бўйича бир марталик операцияларни амалга оширишга рухсат берилди.

Фуқаролар ва тадбиркорлик субъектлари учун банк хизматлари бобида ҳам қатор қулайликлар яратилаётганлиги эътиборга молик. Яъни эндиликда банкоматлар етарли миқдордаги нақд пул билан узлуксиз таъминланади ва масофавий банк хизматлари ривожлантирилади.

Шунингдек, тижорат банклари томонидан туристик операторларга, меҳмонхона бизнеси субъектларига, транспорт-логистика компанияларига ва туризм тармоғи бошқа корхоналарига ҳамда ташқи савдо операцияларига жорий этилган чекловлар туфайли молиявий қийинчиликларга дуч келган хўжалик юритувчи субъектларга ажратилган кредитлар бўйича умумий суммаси 5 триллион сўмлик қарздорликларни тўлаш муддати 2020 йил 1 октябрга қадар кечиктирилади. Хусусий тадбиркорлик корхоналарига тақдим этилган айланма маблағларни тўлдириш учун, шу жумладан, истеъмол бозорини энг зарур товарлар билан таъминлаш учун қайта тикланадиган револьвер кредитлар ажратилади.

Айтиб ўтганларимиз коронавирус пандемияси туфайли келиб чиқиши мумкин бўлган иқтисодий қийинчиликнинг олдини олиш юзасидан кўрилаётган саъй-ҳаракатларнинг бир қисми холос. Аслида, бу йўналишда кенг кўламли ишлар олиб борилаётир.

Шулар асосида хулоса қилиш мумкинки, Президентимиз бошчилигида коронавирус пандемиясининг миллий иқтисодиётимизга салбий таъсирини камайтириш мақсадида олиб борилаётган изчил чора-тадбирлар тез орада ўз самарасини беради. Яъни ушбу синовдан жиддий зиён-захмат кўрмасдан, омон-эсон ўтиб оламиз.

**Эркин ГАДОЕВ,**
**Олий Мажлис Сенатининг Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар масалалари қўмитаси раиси.**

9 апрель — Амир Темур таваллуд топган кун

# Сабр-матонат ва мустаҳкам ирода соҳиби

*Соҳибқирон Амир Темур ибн Тарағай Баҳодирхон ҳазратлари ҳақида кўплаб ёзма манбалар, илмий тадқиқот ва илмий-оммабоп асарлар яратилган. Ёритилган кўплаб илмий тадқиқотларда Амир Темурнинг ҳаёт йўли, сиёсий, ижтимоий-иқтисодий, ҳарбий ва маданий-маърифий соҳалардаги фаолиятига катта эътибор берилган. Ул зотнинг тарих саҳнасидаги ўрнини ҳаққоний тушуниш учун шахсий фазилатларига ҳам алоҳида тўхталиб ўтиш мақсадга мувофиқ.*



Буюк бобомиз Амир Темур салтанатида аёлларга бўлган ишонч, ҳурмат ва эътиқод ўзининг эътиборга лойиқ ифодасини топган. У зотнинг “Аёлларга имкон қадар илиқ муомалада бўлишга ҳаракат қилдим”, деган қайдлари тарихий манбалардан маълум. Шуни таъкидлаб ўтиш кераккки, темурий маликалар ва умуман, аёллар ҳақидаги маълумотларнинг ёзма манбаларда тўла ёритилмаслиги ҳам ўша давр тартиб-қоидалари билан боғлиқ. Жумладан, бу ҳақда Ибн Арабшоҳнинг “Ажоиб ал-мақдур” асарида шундай маълумот учрайди: “Темур унинг жавобидан хотинларнинг зикр қилган жойини ўқиб, хотима қилди. Чунки хотинларга тил тегизиш уларда катта айб бўлиб, ғоят гуноҳ ҳисобланади. Ҳатто улар хотин ва қизларнинг исмини талаффуз қилмай, ҳар бирини бошқа бир ибора билан атайдилар ҳамда бу нарсадан сақланинглар деб (одамларга) уқтирадилар. Агар улардан биронтасининг хотини қиз туғса, унда уни “пардалик бола” ёки “зийнат соҳиби” ёки “мастура” ёки шунга ўхшаш (ибора)лар билан атайдилар”.

Амир Темур бобомизнинг зафарли ҳаёт йўлида 1360 — 1370 йиллар ниҳоятда мураккаб даврлар бўлган. Соҳибқирон бу йилларда катта йўқотишларни ҳам бошдан кечирган. Ота-онаси, пиру устозлари, дўсту биродарлари, завжалари ва фарзандлари, набираларининг вафотларидан қаттиқ қайғуга тушган. 1360 йилнинг баҳорида падари бузруквори Муҳаммад Тарағайнинг вафот этиши унга қаттиқ таъсир қилган.

Амир Ҳусайннинг синглиси, Амир Темурнинг завжаси Улжой Туркон оғонинг вафотини (1366 йил, ёзи) мавлоно Шомий қуйидагича тасвирлаган: “Амир соҳибқирон лашкар тўплаш иродаси билан жўнаган кунда Улжой Туркон оғо бетоб эди. Қайтиб келганида у улуғ бону олами фонийдан жаҳони боқийга кўчган экан. Амир соҳибқирон ундан айрилиб қолганига кўп қайғурди. Унинг вафотига йиғлаб, ҳасрат чекди”. Улжой Туркон оғонинг вафоти Амир Темурнинг Амир Ҳусайн билан ўрталаридаги келишмовчиликларнинг янада кучайишига сабаб бўлди. Бундай ҳолатда Амир Темур Ҳусайн ва бошқа ғаним бўлган амирларга қарши иттифоқчилар топишга мажбур бўлган. Ўша даврда Ҳирот малики Муборак Санжарий билан ўртадаги дўстликни мустаҳкамлаш учун ўзининг кўз қорачиғи бўлган ўғлини гаров тариқасида юборади. Мавлоно Шомий бу ҳақда шундай маълумот қолдирган: “Шунинг учун жаҳон аҳлининг амирзодаси, давлат кўз қорачиғининг нури, саодат боғининг гули, иқболу комронлик чаманининг гулбарги, ҳаёт бўстонининг тоза ниҳоли бўлмиш Жаҳонгирни Муборакшоҳ Санжарийга топшириб, зўр дабдаба ва тартиб билан малик томонига юборди. Маликка шундай деб ёзди: “Мен сенинг мусулмонлигинг ва диндорлигингни биламан; дўстлигингга ишониб, ўз фарзандим, нуридийдамни олдингга юбордим, умидворманки, уни асраб, подшоҳона иззат-икромлар билдириш вазифасини адо этиб, шафқат назари билан қарарсан”. Амир Темурнинг маликка юборган мактубидан шу ҳолатни билса бўладики, у ўз фарзандини ниҳоятда яхши кўрган ва унинг гаров вақтидаги тақдиридан қаттиқ қайғурган.

Амир Темурнинг олижаноблигини, ҳаттоки, ўз рақибларига ҳам раҳм-шафқат кўрсатишга тайёр бўлганлигини Амир Ҳусайн билан кечган воқеадан ҳам билиш мумкин. 1370 йил баҳорида Балх қалъасида бўлган муҳорабада Амир Ҳусайн асирга олинади. Мавлоно Шомий Соҳибқироннинг раҳм-шафқатлилик фазилати ҳақида шундай маълумот қолдирган: “Уни (Амир Ҳусайнни) қаҳр-ғазаб билан мажбуран пастга туширдилар, қўлини боғлаб, Амир соҳибқирон ҳузурига олиб келдилар. Амир соҳибқирон улуғвор зотида суҳбатдошлик ҳақини олиш, хизматкорлар ҳуқуқига риоя қилиш (сифатлари) мавжуд бўлганлиги учун унинг қонидан ўтмоқчи бўлди. Лекин шу пайт Кайхисрав кириб келди ва тиз чўкиб биродарининг хунини талаб қилди. Амир Темур уни раъйидан қайтармоқчи бўлди. Шу аснода (соҳибқироннинг) кўзларига ёш тўлиб, (ўтмиш) суҳбатдошлик ҳуқуқига риоя қилмоқчи бўлди”.

Амир Темур падари бузруквор сифатида олтита фарзандининг учтасидан ҳаётлик давридаёқ жудо бўлади. Бу орада яна бир завжаси, севимли опаси, ўгай онаси ва куёвларидан баъзиларининг ҳам вафотини кўради. Унга, айниқса, амирзода Жаҳонгирнинг фарзанди, севимли набираси Муҳаммад Султоннинг вафот этиши (1403 йил) ниҳоятда катта зарба бўлган.

Мавлоно Шомий Амир Темурнинг катта фарзанди амирзода Жаҳонгирнинг ўлимини (1376-1377 йил оралиғи) қуйидагича тасвирлаган: “Шу ўртада Худо ярлақагур амирзода Жаҳонгир, — ётган ери юмшоқ бўлсин, — ўлими ҳақида мудҳиш хабар келтирдилар. Жаҳон фиғону нола билан тўлди. Жамиъ халойиқ бошяланг, палос ёпинган ҳолда (соҳибқирон) истиқболига чиқдилар. Алҳақ, унинг ёш кетганлигига қари фалак ҳам йиғи бошлади... Амир соҳибқирон бу азада навжувону паҳлавону комрон фарзанди фироқида кўзи гирён, бағри бирён бўлиб, айриликнинг аччиқ (шарбатидан) коса-коса ичди, мотам ва мусибат либосини кийди”.

Амир Темур ҳаётида 1381 — 1383 йиллар руҳий жиҳатдан ниҳоятда оғир бўлганлигини “Зафарнома”да кечган воқеалар гувоҳлик бериб турибди. 1381-1382 йиллар оралиғида Соҳибқироннинг кўзи оқу қароси, суюкли қизи Тоғайшоҳ Оқабегимнинг (Акабегим) вафоти унинг қалбидаги фарзанд доғини яна янгилади. Бу воқеалар “Зафарнома”да қуйидагича тасвирланган: “Амир соҳибқироннинг поклик пардасида ўлтирган бир қизи бор эди. Сувратда тенги йўқ, сийратда унга ўхшаши ва монанди йўқ эди... Амир соҳибқирон уни ғоятда яхши кўрарди. Бир соат уни кўрмаса чидаб туролмас эди. Илоҳий қазо ҳукми билан у бир касалликка чалинди, секин-аста унинг касали кучайди. Мижози заифлашди... Амир соҳибқирон кўзининг оқу қораси фарзандидан айрилганига ғамгин ва мотамзада эди. Бир муддат фироқ ўтида куйди, ҳижроннинг таъми аччиқ шарбатини тотишга гирифтор бўлди”.

Ўша даврдаги тарихий воқеалардан шуни билса бўладики, Амир Темурнинг мухолифлари амир Вали ва Алибек бирбири билан иттифоқдош бўлиб Сабзаворга лашкар тортадилар. Бу ҳолат Хуросонда танг аҳволни юзага келтиради, лекин фарзанди аржумандидан ажралган Амир Темур бу хабарга қўл силтайди. Амир Темурни бу қайғудан чиқариб, уни кундалик ҳаётга қайтариш учун унинг опаси Улуғ Хотун ва катта бону — Қутлуғ Туркон оғо тасалли берганлиги ва насиҳат қилганлиги ёзма манбаларда ўз аксини топган.

Амир Темур ҳаётидаги энг катта йўқотишлардан бири 1394 йилда иккинчи ўғли амирзода Умаршайх баҳодирнинг ҳалок бўлиши бўлган. Амир Темур яна мотам тўнини кийишга мажбур бўлди. Мавлоно Шомийда бу воқеа учун ўз асарида алоҳида боб ажратган ва қуйидаги маълумот билан вазиятни кўрсатиб ўтган: “Амирзода таъзияси ва мотами жаҳон халқининг ёқасидан тутди, халойиқнинг дили бирён-у, кўзи гирён бўлди”.

Юқоридаги воқеалар Амир Темурнинг инсоний қиёфасини, шахсиятини тўла намоён этади. Буюк салтанат соҳиби ҳам вақти келиб оддий инсонлар сингари қайғуга ботган, ҳасрат чеккан, йиғлаган. Унинг ҳам армонлари бўлган. Лекин бундай жудоликлар, ғаму андуҳлар Амир Темурнинг қаддини букмаган. Сабр-матонат ва мустаҳкам ирода соҳиби тузган давлат Ўрта Осиё тарихидаги энг буюк салтанатлардан бири бўлиб қолди.

**Анвар БОҚИЕВ,**
**Термиз давлат университети катта ўқитувчиси.**

*Олис ва шонли тарихимиз баъзан бизни кутилмаган ҳадялари билан ҳайратга солади. Ўз даврининг буюк даҳолари соҳибқирон Амир Темур ва буюк олим Ибн Халдуннинг 1401 йили Дамашқ шаҳрида бўлиб ўтган тарихий учрашуви бу фикримизнинг ёрқин исботидир.*

*Азму шижоат ва ақлу тафаккурни ўзларида мужассам этган ушбу зотлар деярли тенгдош бўлган. Иккалалари ҳам турфа кунларни, азоб-уқубат, ҳийла ва найранглар, ғалаба ҳамда зафарларни бошдан кечирган. Ҳар бири ўз соҳасининг устаси эди. Амир Темур — моҳир давлат арбоби ва буюк саркарда, Ибн Халдун — тан олинган тарихшунос ва файласуф.*

Эҳтиром

# ОЛИМЛИК — Аллоҳ нурини солган улуғ бир мартаба

Бу тафсилотларнинг мазкур мақолага ва мақоламиз қаҳрамони — таниқли тарихчи олим, профессор Аҳаджон Ҳасановга қандай алоқаси бор, деган савол туғилиши табиий.

Гап шундаки, бундан бир неча йил аввал француз темуршунос олими, яқин ижодий ҳамкорим ва қадрдон дўстим, марҳум Люсьен Керен билан ҳаммуаллифликда 1996 йили илк нашри чоп этилган “Амир Темур ва Франция” номли китобимизнинг иккинчи нашри устида ишладим. Шу жараёнда китоб мавзуси билан боғлиқ бир қанча нодир хорижий манбаларни ўрганишга тўғри келди. Жумладан, профессор Л. Кереннинг “Амир Темур ва Ибн Халдун учрашуви” номли мақоласини француз тилидан таржима қилдим ва чоп эттирдим. Кейинчалик мазкур матн китобимизнинг янги нашридан жой олди.

Шунингдек, ўзбек олимларининг Амир Темур ва Ибн Халдун учрашуви ҳақидаги кам сонли тадқиқотларини излаб топдим. Хусусан, тарих фанлари доктори А. Ҳасановнинг айни йўналишда ёзган туркум мақолаларини яна бир бор ўқиб чиқдим. Олимнинг бу борада халқаро анжуманларда сўзлаган маърузалари билан танишдим.

Ғарб ва Шарқ мамлакатлари, Миср кутубхоналарида Ватанимиз тарихига доир ноёб ёзма манбалар сақланмоқда. XIV аср охири ва XV аср биринчи ярмида яшаган ҳамда кўп жилдлик асарлар яратган мисрлик тарихчилар орасида Амир Темур ҳақида ёзибгина қолмай, у билан бир неча марта учрашган Ибн Халдун (1332 — 1406) алоҳида ўрин эгаллайди.

Улуғ тарихчи Соҳибқирон билан 1401 йилнинг январь-февраль ойларида Дамашқ қамал қилинган ва ишғол этилган пайтда учрашган. Маълумки, етти жилдлик “Насиҳатлар китоби”га (“Китоб ал-Ибар”) олим ўзининг таржимаи ҳолини “Ибн Халдун билан танишув” (“Таъриф би Ибн Халдун”) сарлавҳаси остида илова қилган.

Ибн Халдун асарининг Амир Темур билан бевосита учрашувига тааллуқли қисми Қоҳирада професор М. Т. ат-Танажининг батафсил шарҳи билан алоҳида нашр этилган. Айни шу қисмни 1952 йили Калифорния университети профессори В. Фишель инглиз тилига таржима қилган ва ўзининг батафсил изоҳлари билан Нью-Йоркда ва Теҳронда бир пайтда чоп эттирган.

Байрутда 1988 йилда чиққан “Ибн Халдун тарихи” номли 8 жилдлик тўла асарлар нашрининг Ибн Халдун билан Амир Темур учрашуви тасвирланган қисмини ҳамда изоҳларни Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Шарқшунослик институтининг ходими А. Ҳабибуллаев ўзбек тилига таржима қилган.

Қоҳирадаги Миср миллий кутубхонасида “Тарих 109м” шифри остида Ибн Халдун таржимаи ҳолининг қадимги қўлёзмаси сақланади. Арабшунос олим А. Ҳасанов ушбу нодир қўлёзманинг микрофильмини олишга муваффақ бўлган. Унинг фикрига қараганда, бу қўлёзма Ибн Халдун ҳаёт пайтидаёқ ёзилганлиги ва муаллифнинг асл нусхасига солиштирилганлиги билан қимматлидир.

Тадқиқотлардан маълум бўлишича, Амир Темур Ибн Халдун билан учрашувгача у ҳақда маълумотга эга бўлган. Ҳар ҳолда, бунгача Соҳибқирон қароргоҳида бўлган сириялик Шайх Ибн Муфлих Ибн Халдунга буюк Турон амири шахсан у билан қизиққанини маълум қилади.

Ибн Халдунга икки нарсадан бирини танлаш қолганди: қамал қилинган Дамашқдан яширинча қочиш ёки ҳукмдор билан учрашувга бориш. Олим иккинчи йўлни танлайди. У Амир Темур билан учрашади ва Дамашқ учун сулҳга эришади.

Ибн Халдун 35 кун давомида Амир Темур билан давомли суҳбат қилган. Юқорида тилга олинган нодир манбада мисрлик тарихчининг Соҳибқирон шахсияти тўғрисидаги холис баҳоси ҳам битилган. Икки улуғ шахс учрашувининг тасвири Амир Темур йирик саркарда ва давлат арбоби бўлибгина қолмай, балки ўз даврининг маърифатли кишиларидан бири бўлган деган фикрни ҳам тасдиқлайди.

Аҳаджон Ҳасановнинг эътиборимизни тортган фақат биргина мавзудаги тадқиқотлари хусусида фикр юритдик, холос. Бинобарин, олимнинг даврий матбуотда турли тарихий мавзуларда кўплаб мақолалари эълон қилинган. Бу соҳадаги чиқишлари хорижда ҳам машҳур.

Айни вақтда замон билан ҳамнафас муаммоларнинг долзарб таҳлили ва талқини масаласи профессор А. Ҳасановнинг доимий эътиборидадир. Энг муҳими, олимнинг илмий-ижодий фаолиятида диний-маърифий мавзулар устувор аҳамият касб этишига амин бўламиз.

А. Ҳасанов Тошкент давлат университети (ҳозирги Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университети) Шарқ факультетини 1964 йилда имтиёзли диплом билан тугатгач, меҳнат фаолиятини дастлаб ушбу факультетда “Араб давлатлари тарихи” фанидан дарс беришдан бошлаган. Домла ўзининг 56 йиллик педагогик фаолияти давомида, айниқса, Тошкент давлат шарқшунослик институти ва Ўзбекистон халқаро ислом академиясида самарали фаолият олиб борган.

Аҳаджон ака Ҳасанов 1975 йили фан номзоди ва 1994 йили фан доктори илмий даражасини ёқлаш учун ёзган диссертацияларининг мавзулари, бир томондан, Миср ва қадимги Арабистон тарихи, иккинчи томондан, ислом дини тарихи билан чамбарчас боғлиқдир.

Домла илмий изланишларининг асосий мавзуи ислом таълимотидир. Зеро, давлатимиз раҳбари айтганидек, **“Ислом — ҳақиқатни англаш демакдир, у одамзодни эзгу амалларни бажаришга ундайди, ҳар биримизни яхшилик ва тинчликка чорлайди, ҳақиқий инсон бўлишни ўргатади”.**

Аҳаджон ака 2002 йили Тошкент ислом университети (ҳозирги Ўзбекистон халқаро ислом академияси)нинг “Ислом тарихи ва манбашунослиги” ихтисослиги бўйича профессори илмий унвонига сазовор бўлгани ҳам фикримизни тасдиқлайди. Қолаверса, А. Ҳасанов 13 йил давомида Ўзбекистон Республикаси Президенти девони (ҳозирги Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси)да дин ишлари бўйича консультант, етакчи ва бош консультант вазифаларида ишлаган.

Айни пайтда профессор А. Ҳасанов Ўзбекистон халқаро ислом академияси қошидаги Ихтисослашган кенгаш раисининг ўринбосари, шунингдек, Фанлар академияси Шарқшунослик институти ва Ўзбекистондаги Ислом цивилизацияси марказида Ихтисослашган кенгашлар аъзосидир.

Таниқли олим ўзбек, рус, турк, араб ва инглиз тилларини мукаммал билади. Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Москва, Қозон, Қоҳира, Бухарест, Париж, Южин (АҚШ) шаҳарларида ўтказилган халқаро илмий конференцияларда маърузалар билан қатнашган. У кўп йиллар давомида Миср ва Ливия каби араб давлатларининг нуфузли ташкилотларида таржимон сифатида фаолият юритган. Сурия, Ливан, Саудия Арабистонида хизмат сафарларида бўлган.

Агар Аҳаджон ака Тошкент вилоятининг Пискент шаҳрида 1940 йил 29 март куни туғилганини назарда тутсак, таниқли олим, ардоқли педагог ва моҳир тарихчи ҳамюртимиз шу кунларда қутлуғ 80 ёшга тўлибди.

Юртбошимиз таъкидлаганларидек, **“Олимлик — Аллоҳ нурини солган улуғ бир мартаба. Бу мартабадан жамиятнинг бутун вужудига нур, зиё таралади”.** Шу маънода, профессор А. Ҳасанов том маънодаги ўзбек зиёлисидир.

**Акмал САИДОВ,**
**академик.**

Хотира ва Қадрлаш куни олдидан

# ДОРИЛАМОН КУНЛАР ШУКРОНАСИ



***Самарқанд вилоятининг Пастдарғом туманидаги Камолот маҳалласида яшовчи Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси, 97 ёшли Маҳмаюсуф Ражабов бугун фарзандлари ва невара-чеваралари ардоғида ҳаётга шукрона айтиб, кексалик гаштини сурмоқда.***

— 17 ёшимда, 1942 йилнинг қаҳратон қишида поездга миниб урушга жўнадик, — деб хотирлайди Маҳмаюсуф бобо. — 23 кун йўл юриб, Беларусга етиб бордик. Вокзалдан жанггоҳгача бўлган 100 километрдан ортиқ масофани бир ойда яёв босиб ўтдик. Ҳаво жуда совуқ, шамолдан кўз очиб бўлмас эди. Душман эътиборига тушиб қолмаслик учун биз фақат тунда юрардик. Шундай оғир кунларда душманга қарши жангга кирганмиз. 1943 йилда Белград шаҳрини босқинчилардан озод қилаётгандик. Душман снайперининг ўқи чап оёғимга тегди ва мен оғир яраландим. Танамдаги жароҳатлар битди, аммо қалб жароҳатига даво йўқ экан. Номи ўчсин урушнинг. Мана, 77 йилдирки, душман снайперининг бир парчасини танамда олиб юрибман. Бу менга ҳар лаҳза ўша машъум кунларни эслатиб туради, қалбимга оғриқ беради.

Маҳмаюсуф Ражабов фронтдан қайтганидан сўнг ветеринария мутахассислиги бўйича ўқиди ва пенсияга чиққанига қадар Пастдарғомдаги собиқ “Ўзбиокомбинат” корхонасида меҳнат қилди.

Маҳмаюсуф бобо мудом ҳаракатда. Маҳаллада, таълим муассасаларида маънавий-маърифий тадбирларда фаол қатнашади. Уйда фарзандларию набираларига боғдорчилик ва деҳқончилик бўйича ўз тажрибаларини ўргатиб келмоқда. Ўғли Абдусалом Ражабов билан 7 йилдан буён ҳовлисидаги иссиқхонада лимон парваришлайди.

Маҳмаюсуф бобо Ғалабанинг 75 йиллиги муносабати билан давлатимиз раҳбари Фармонига кўра, ҳар бир уруш фахрийсига 10 миллион сўмдан пул мукофоти ажратилганидан беҳад мамнун.

— Давлатимиз томонидан кўрсатилаётган ғамхўрликдан кўнглим тоғдек кўтарилди, — дейди Маҳмаюсуф бобо. — Яратганга беҳисоб шукр, бугунгидек дориламон кунларда яшаш насиб этди. Ҳар тонг юртимиз тинчлиги, халқимиз осойишталиги, оилаларимиз фаровонлиги учун шукроналар айтаман. Илоҳим, юртимизни ёмон кўзлардан асрасин, осмонимиз доим мусаффо, халқимиз омон бўлсин!

**Абдулазиз ЙЎЛДОШЕВ**
**(«Халқ сўзи»).**


# КИЧИК БИЗНЕСГА ЭНГ ЯХШИ ХИЗМАТ КЎРСАТГАН БАНК

***“AsiaMoney” журнали томонидан ўтказилган “2020 йилнинг энг яхши банки” (“Best Bank Awards — 2020”) танловида “Асака” акциядорлик тижорат банки “Кичик ва ўрта бизнесга энг яхши хизмат кўрсатган банк” номинацияси ғолиби бўлди. Нашр экспертлари банк кўрсаткичлари ва ривожланиш даражаларига юксак баҳо берди.***

ASAKA BANK

Эътироф

Бугунги кунда “Асака” банки мамлакатимиздаги иккинчи йирик молиявий муассаса саналади. Унинг активлари 35 триллион сўмни (3,7 миллиард АҚШ доллари) ташкил этади. Банк томонидан фақат сўнгги бир йил ичида кичик ва ўрта бизнес вакилларининг 11 минг 250 та лойиҳаси молиялаштирилди.

Мамлакатимизда мазкур тармоқ лойиҳаларини молиялаштириш бўйича йирик кредит портфели шакллангани ички бизнес жараёнларини жадаллаштириш, модернизация қилиш ва автоматлаштиришга нисбатан самарали ёндашиш имконини берди.

Мазкур танлов ҳар йили Осиё — Тинч океани давлатлари банклари ўртасида ташкил этилади. Ғолиблар эса “Мамлакатдаги энг яхши банк”, “Энг яхши корпоратив ва инвестициявий банк”, “Энг яхши рақамли банк”, “Корпоратив ижтимоий масъулият нуқтаи назаридан энг яхши банк”, “Микромолиявий хизматлар кўрсатадиган энг яхши банк” каби номинациялар бўйича рағбатлантирилади.

Реклама ўрнида

**Банк матбуот хизмати.**

*Хизматлар лицензияланган.*


Тошкент молия институти ректорати ва касаба уюшмаси институт касаба уюшма қўмитаси раиси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган халқ маорифи ходими, профессор

**Зокир ЙЎЛДОШЕВнинг**

вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.


«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
9.00 дан 18.00 гача
71-232-10-63,
71-232-11-15.
E-mail: reklamaxs@mail.ru
reklama@xs.uz



Халқ сўзи
Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши,
Ўзбекистон Республикаси
Олий Мажлиси Сенати Кенгаши

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2020 йил 25 мартда Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 456. 46 680 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 71-233-52-55;
Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмаилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

• МАНЗИЛИМИЗ:
100000,
Тошкент шаҳри,
Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Навбатчи муҳаррир — Д. Улуғмуродов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.

“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: Буюк Турон кўчаси, 41. ЎзА якуни — 01.40 Топширилди — 02.10 1 2 3 4 5 6